

К. ШАМБЕТОВА, А. ШАКИРОВА, М. КАСЕЙ

МУСИҚА

3



**ҚИРҒИЗИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ
ДАВЛАТ БАЙРОҒИ**



**ҚИРҒИЗИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ
ДАВЛАТ ГЕРБИ**



ҚИРҒИЗИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИҢ ДАВЛАТ ГИМНИ

*Ж. Садиқов, Ш. Қулуев сўзи
Н. Давлесов, К. Молдобасанов музыкаси*

Ак мөңгүлүү аска-зоолор, талаалар,
Элибиздин жаны менен барабар.
Сансыз кылым Ала-Тоосун мекендеп,
Сактап келди биздин ата-бабалар.

Нақарот: Алғалай бер, кыргыз эл,
Азаттыктын жолунда.
Өркүндөй бер, өсө бер,
Өз тагдырың колунда.

Байыртадан бүткөн мүнөз элиме,
Досторуна даяр дилин берүүгө.
Бул ынтымак эл бирдигин ширетип,
Бейкуттукту берет кыргыз жерине.

Нақарот:

Аткарылып элдин үмүт-тилеги,
Желбиреди эркиндиктин желеги.
Бизге жеткен ата салтын, мурасын,
Бйык сактап, урпактарга берели.

Нақарот:

К. Ж. ШАМБЕТОВА, А. М. ШАКИРОВА, М. КАСЕЙ

МУСИҚА

Бошланғич таълим мактабларининг

3-синфи учун дарслик

*Қирғизистон Республикаси
Таълим ва фан вазирлиги тасдиқлаган*



Қыргыз Республикасы
Министрлер Кабинетинин
Тасдиғы менен
2014-жылдын 1-сентябрында
Бишкек шаарында
Министрлер Кабинетинин
Чалгын залында
Ишмердештердин
Т. Шамбетова, А. М. Шакирова,
М. Касей

Бишкек – 2014

2014
146/28

УДК 373.167.1
ББК 85.31 я721
Ш-19

Шамбетова К. Ж. в. б.

Ш-19 **Мусика.** Бошланғич таълим мактабларининг. 3-синфи учун дарслик. /К. Ж. Шамбетова, А. М. Шакирова. М. Касей, – Б.: Билим-компьютер, 2014. – 112 с.

ISBN-978-9967-31-146-6

Ш 4306021800 - 14

УДК 373.167.1
ББК 85.31 я721

ISBN-978-9967-31-146-6

© Шамбетова К., Шакирова А., Касей М., 2014
© ҚР Таълим ва фан вазирлиги, 2014
© «Билим-компьютер», 2014

ҚАДРЛИ ЎҚУВЧИ!

Бу ўқув йили давомида Сизни кизиқарли саёҳатлар кутмокда. Сиз бутун дунёни айланиб, турли халқларнинг муסיкий мерослари билан танишасиз. Унда халқ муסיқаси ва бастакорлар яратган муסיқа қандай бўлишини билиб оласиз, дунё халқларининг муסיкий бойлиги билан танишасиз.

Саёҳатимиз давомида халқларнинг миллий чолғу асбоблари, кўшиқчилик санъати, машҳур муסיқачилари, ижрочилари, таниқли бастакорлари ва дунё халқлари маданияти билан яқиндан танишасиз.

Ок йўл Сизга, азиз ўқувчи!

Муаллифлар.



САЛОМ МАКТАБ

Э. Раҳимов шеъри

Ж. Нажмиддинов мусиқаси



Са - лом, мак - таб жон мак - таб се - ни се - ва -



ман мак - таб. Биз - га о - чиқ ку - чо - ғинг,



Ё - нинг - да гул - зор бо - ғинг. // зор бо - ғинг.

Мана кўлимда китоб,
Ўқиш китоб ҳам ҳисоб.
Шариллатиб ўқийман,
Билагон бўлай дейман.

Қалам, ручкам бор, мана,
Ёзаман дона-дона.
Хатим бўлсин чиройли,
Кулиб турсин нақ ойдек.

Салом, мактаб, жон мактаб,
Кўшиқ айтаман мактаб.
Мен ҳам белча ушлайман,
Гул боғингда ишлайман.

ХАЛҚ КЎШИҚЧИЛИГИ ИЖОДИ

Қирғиз халқи ўз миллий адабиёти, маданияти, урф-одати, анъаналарини сақлаб келган қадимий эллардан бири. Халқ мусиқаси қадим даврларда яратилиб, йиллар давомида ривожланиб келди. Унинг тарихи бир неча асрларни ортда қолдириб келмоқда.

Қирғиз миллий мусиқаси икки йўналишда ривожланди. Улар: чолғучилик ва кўшиқ-ижрочилиги санъати. Чолғучилик санъати кўбизчи, қил қияқчи ва бошқалардан иборат. Ҳар бир мусиқий асбобнинг ўз ижрочилари бўлган.

Кўшиқ санъати – дoston айтиш, тўкма оқин (бахшилиқ), ом-мавий кўшиқчилик каби уч турга бўлинади. Куйчилар, дoston-чилар ўз ижроларида халқнинг турмуш-тарзи, табиати, ҳайвонот оламини тасвирлаган. Улар турли характердаги асарларни яратиб, ижро этишган.

Қирғиз халқ кўшиқлари халқ урф-одатлари ва анъаналари асосида яратилган. Буларга оқинларнинг айтишуви, насиҳат кўшиқлари, саломлашув кўшиқлари, меҳнат кўшиқлари, йиғи-йўқлов (кўшок) кўшиқлари ва болалар кўшиқлар киради. Қадимий меҳнат кўшиқлардан бири «Бекбекей»дир. Бу кўшиқни аёллар ижро этишган. Тунда отлар сурувини кўриқлайдиган эркаклар эса «Ширилдак» кўшигини ижро этишган. «Хўп майда» кўшиғи ер ҳайдаш жараёнида куйланган. Бешиқ кўшиқлари эса оналар томонидан ижро этилиб, болани ором олишга, осуда ухлашига ундаган; кўшиқ оркали онажон меҳри, муҳаббати чақалокка ўтган. Рамазон ойларида эса «Жарамазон» кўшиғи куйланган.

Мусиқий луғат:

Хор – вокал мусиқаларини куйловчилар жамоа.

Речитатив (италиянча сўз бўлиб, декламация қилиш) – бу вокал мусиқа асарларнинг куй, оҳанг билан айтиладиган сўзлари. Ижро жараёнида мимикалар, ҳаракатлардан фойдаланилади.

? Савол ва топшириқлар

1. Халқ кўшиклари қандай етиб келган?
2. Бу кўшиқлар нималар ҳақида ҳикоя қилади?
3. Қайси халқ кўшиқларини биласиз?

БЕШ ИРҒАЙ

Халқ шеъри

А. Темиров мусикаси



Бе - лес-те- ги беш ыр- гай, Беш ыр- гай- ды мен кый- бай.



Бет - бе - ти - нен ка - ра - сам, Беш тү - ло - гон кыр - гый - дай.



А - дыр - да - гы ал- ты/ыр-гай, Ал-ты/ыр-гай-ды мен кый- бай.



Ал - ды/ал-ды - нан ка - ра - сам, Ал - ты тү - лок кыр-гый-дай.

Кызыл көлдүн боюнда,
Кызыл ала өрдөгүм.
Кыз экенде кошулган,
Кыйма көкүл мөлмөлүм.
Жашыл ала өрдөгүм.
Жашыл көлдүн боюнда,
Жаш экенде кошулган,
Жайма көкүл мөлмөлүм.



МУСА БАЕТОВ (1902–1949)

XX асрнинг биринчи ярмида яшаб ижод этган қирғиз халқининг машхур санъаткоридир.

Қирғиз халқ кўшиқ – мусикаси санъатини давом эттириб, унинг ривожланишига ўз ҳиссасини кўшган.

Муса болалик чоғиданоқ отаси ижро этган куй-кўшиқларни дилига жо қилган. Беш ёшидан кўлига кўмиз олиб куй чалган.

Аста-секин унинг кўшиқ айтиш ва кўмиз чалишга ҳаваси ортган. Унинг кўмиз чалишга бўлган қизиқишини отаси, кўшиқ ижро этишга бўлган ҳавасини машхур ижрочилар Тоғолоқ Молдо, Молдобасан, Абдуқалий Байбатиров сингари ижрочилар уйғотишган.

Тоғолоқ Молдо, Мусага кўшиқ айттириб, «Балли ўғлим! Баракалла! Бу кўшиқни мана бундай чўзиб куйла, мана бунисининг нақоратини мана бундай куйласанг, янада жозибали чиқади», – дея юқори баҳо бериб, ўз маслаҳатларини аямаган. Буюк истеъдодли Муса куйлари нозиклиги, кишига завқ бағишлаши билан ажралиб туради. Унинг «Донишманд», «Арпанинг Ола тоғидан», «Соғиндим», «Ҳой қизлар», «Пойтахт шаҳарда ўқидинг» каби ўнга яқин кўшиқлари қирғиз кўшиқчилик санъатининг классикасини тuzган.

? Савол ва топшириқлар:

1. Муса Баетов ижоди ҳақида гапиринг.
2. У қандай овоз соҳиби эди?
3. Муса Баетовнинг қандай кўшиқларини биласиз?

• Бу кизик!

Москва Союзлар уйининг Колонна зали. Қирғиз халқ музыкаси давом этмокда. Саҳнада симфоник оркестр хонанданинг кўшик бошлашини кутмокда. Мана дрижёр куйлаш ишорасини берди. Зални баланд балкониғача кучли, жозибали, баланд овоз тутиб кетди! Ижрочи овози бўёқдор, миллий рух акс этган.

Бу хонанданинг исми Муса. У Тўктағулнинг «Тутқин кўшиғи» ни ижро этмокда.

Кўшиқнинг мўъжизавий музыкасининг муаллифи – ижрочининг ўзи.

«Бу ажойиб», қандай талант, бу улкан овоз соҳиби билан кўришиш менга тинчлик бермаяпти!; «Ха, табиат инъом этган улкан санъаткор» – каби ҳайкириқлар билан концерт танаффусида москвалиқлар Мусани кучоклаб кетишди.



Муסיқа саводи:

Нота ва тўхтамнинг узвийлиги

Муסיқа овози ҳар хил давомийликда (бутун, ярим, чорак, саккизлик), бир овоз узок, бошқаси қисқа эшитилади.



Тўхтам – бу тиниш белгиси. Тўхтам ҳам нота каби ҳар хил давомийликда бўлади:

Бутун нота ва тўхтам:




Ярим нота ва тўхтам:



Чорак нота ва тўхтам:



Саккизлик нота ва тўхтам:



КАТТА ДОСТОН «МАНАС»

Қирғиз мусиқий санъатида афсонавий қирғиз баҳодирларини мадх қилувчи «Манас» эпоси алоҳида ўрин эгаллайди. Мазкур эпос ўз ичига халқ кўшиқлари, мақоллар, маталларни қамраган. Бахшилар-шоирлар «Манас» эпосини ижро этишган. Улар бир вақтнинг ўзида мусиқачи, куйловчи, артист ва ипровизаторлик ишини олиб боради. Шунинг учун манасчиларни бир актёр театри деб бежиз айтишмаган.

«Манас» эпоси қирғиз халқининг қадимий тарихи, маданиятини, маиший турмушини бир қанча асрлар оша ёритиб келган. Унинг кўламига «Илиада» ва «Одиссея»ни, ҳатто, «Маҳобҳорот»ни кўшиб ҳисоблаганда етмайди. Мазкур улкан эпопея уч қисмдан иборат бўлиб, Манас ва унинг ўғли Семей ва набираси Сейтекиннинг қаҳрамонликлари ҳақида ҳикоя қилади. Эпоснинг асосий ғояси – қирғиз халқининг озодлик ва мустақиллик йўлида олиб борган курашлари акс эттирилган. Бу қаҳриқлар қирғиз қабилаларининг халқ бўлиб бирлашишига ундайди.

1856-йил қозок олими Чокон Валихонов Иссиқкўлга келгач, «Манас» эпосини биринчи ёзиб олди. Унинг қайд этишича, «Манас» қирғиз халқининг эртаклари, ҳикоялари, географик ва аклий тафаккурининг қомусий тўпламидир. 1862-йил академик В. В. Радлов Қирғизистонга келиб, «Манас»нинг учала қисмини ёзиб, нашр этиришга муваффақ бўлган.

? Савол ва топшириқлар:

1. Қирғиз халқининг мусиқий меросида «Манас» эпоси қандай ўрин эгаллайди? «Манас» эпоси неча қисмдан иборат?
2. Сагинбой Орозбековдан ташқари қайси манасчиларни биласиз?
3. «Манасчи» деб қимларни айтамыз?

Муסיкий лугат:

Катта достон – бахши шоирларнинг импровизаторлик саныати. «Манас» эпоси чолгу асбоблар жўрлигисиз ижро этилади. Баъзан кўбиз ва кил қияқ жўр бўлиши мумкин.

Манасчи – алоҳида бахши-шоирлик қобилиятига эга бўлган ижрочи «Манас» эпосини ёдда сакловчи.




КАККУ


Тўлқин шеъри

И. Хамроев мусикаси

Секин



Ме-нинг се-вик-ли ку-шим ту-та-ман каф-тим-да сув,



Сен-га-дир шўх-кў-ши-ғим, Как-ку, как-ку, как-ку-жон, как-ку!



Сен-га бир шўх кў-ши-ғим, как-ку, как-ку, как-ку-жон как-ку!

Менинг севикли қушим,
Тутаман кафтимда сув.
Сенга бир шўх кўшиғим,
Какку, каккужон, какку!

Елкамга қўн майлига,
Кўзларинг мунчок, кўзгу.
Бошлар боғлар сайлида,
Какку, каккужон, какку!

Баланд, баланд учасан,
Жажжи қалбимда орзу.
Фазоларни қучасан,
Какку, каккужон, какку!



Сағинбой Орозбеков (1867–1930) – XIX аср охири XX аср бошларидаги буюк манасчи.

Бўлажак манасчи Иссиккўлдаги Кабирға деган қишлоқда сурнайчи ва карнайчи Орозбекнинг оиласида туғилган. Сағинбой тўққиз ёшидан араб тилини ўрганади. Хеч қандай тайёргарликсиз кўшиқ тўкиб куйлай бошлаган. Унинг «Манас» айтишига Чангбош, Тинибек, Балик, Найманбой каби манасчиларнинг таъсири бўлган. Сағинбой

эл кўп йиғилган давраларда «Манас»ни зўр маҳорат билан ижро этган. У «Манас» дан бошқа халқ кўшиқларининг бир қанча турларини ҳам куйлай олган. Ўз вақтида Ормонхон Сағинбойнинг ижрочилик санъатини, билимини юқори баҳолаб: «Сағинбой сариқбоғиш уруғидан. Қирғизнинг бошқа уруғларидан ҳар жиҳатдан устунлик қилади», – дея таъкидлаган.

1922-йил фольклоршунос – филологлар К. Мифзаков ва И. Абдурахмоновдан Сағинбой Орозбековдан «Манас» учлигининг биринчи қисмини ёзиб олишган. Қолган иккинчи ва учинчи қисмлари манасчининг касаллиги сабабли ёзилмай қолган. Шундай бўлса ҳам бу вариант бадий ижро усулининг гўзаллиги ва ижрочилик маҳоратининг юксаклиги билан ажралиб туради.

Сағинбой 15–16 ёшидан «Манас» ижро эта бошлаган. У бошқа «Манас» ижрочилари каби туш кўриш қобилиятига эга бўлган. Унинг ҳақиқий дастлабки устози Чўнбош (Найманбой) бўлиб, ўз замонасида жуда машҳур бўлган.

У машҳур манасчи, моҳир бахши-шоир бўлиб етишиб, ўзининг бадий ижодини яратди. Сағинбой қирғиз фольклорини халқ кўшиқларининг моҳир ижрочиси, у эпоснинг учала асосий қисми («Манас», «Семетей», «Сейтек»)ни ижро этган. У бахши-шоирлик мактабининг асосчисидир.

КИЧИК ДОСТОН

Қирғиз халқи «Манас» эпосидан ташқари ҳажм жиҳатидан 30 дан ортиқ кичик достонларни ҳам яратган. Бу достонлар асосан қаҳрамонлик ва лирик-романтик мазмунга эга. Бу достонларда қирғиз халқининг тарихи, ҳаёти, турмуш тарзи, халқ озодлиги ва мустақиллиги йўлидаги курашлари акс эттирилган. Қаҳрамонлик характеридаги «Курмонбек», «Эр Табилди» кичик достонлар қирғиз халқининг қалмиқлар билан курашини акс эттиради. «Жанил Мирза» достони эса баҳодир киз – Жанил ҳақида ҳикоя қилади.

«Эр Тоштук» қаҳрамонлик ҳақидаги эртақ-достон. Унинг бош қаҳрамони ёвуз кучлар билан курашади. Ўз халқини қулликдан озод қилиши ифода этилади. «Кедейхон» достонида – камбағаллар орасидан чиққан хоннинг бева-бечора халққа ёрдам кўрсатгани ифодаланади. «Кожожаш» романтик-эртақ достонда эса, сеҳрли кулранг эчкининг очкўз овчини қандай қилиб таъзирини бергани баён қилинади. «Олжабой ва Кишимжон», «Ақ моор» достонларида бахтсиз севги ҳақида ҳикоя қилинади. «Саринжи-Боқой», «Жоодарбешим», «Сейитбек», «Гулчаани» достонларида эса бойликнинг офатлари ва бошқа мавзулар ёритилган.

Машҳур бахши-шоирлар туғма таланти, ёқимли овози, моҳир чолғучилик ёрқин артистлик маҳорати билан ажралиб турган. Бундай бахши-шоирлар қаторига Балик, Музооке, Арстанбек, Тўқтагул, Осмонкул, Алимкул ва бошқаларни киритиш мумкин.

? Савол ва топшириқлар:

1. Кичик достон деганда нимани тушунасиш. Уларни қимлар ижро этишган?
2. Қандай кичик достонларни биласиз?
3. «Қаракул бўтам» достонида нима ҳақида қуйланади?



Муסיкий луғат:

Достон – халқнинг турмуш тарзи, она Ватанни ёвлардан сақлаш, қахрамонликни ифодалаган адабий-муסיкий асар.

Кичик достонлар «Манас» эпосига қараганда ҳажми, мазмуни, айтиш усули билан фарқланади.

• Бу қизик!

Қаракул бўтам

Ўтган замонда бир мерган яшаган экан. У Оқ қорли тоғлар, яшил водийларга чиқиб овчилик билан кун кечирган. Мерганчининг Эрекул, Мирзакул деган ўғиллари вояга етгач, бири дев билан, иккинчиси аждар билан олишиб ҳалок бўлишади.

Мерганчи чол олтмиш ёшида яна ўғил фарзанд кўради. Унинг отини Қоракул қўяди. Қариганда туғилган боласини чол-кампирлар авайлаб ўстирадилар. Унга кўзичоқ терисидан тўн тикиб беради. Кунларнинг бирида Қоракул овга кетаётган отасига эрчийди. Болам, ҳали ёшсан, тоғда юра олмайсан, деб отаси ташлаб кетади. Қоракул отаси ортидан билдирмай чиқиб, бир ерда адашиб, қамишзорда ухлаб қолади. Ови юришмаган ота қамишлар ораси қимирлаганини кўриб камондан ўк узади. Югуриб келиб қараса, ўз ўғли экан. Ўғлини уйига олиб келиб, армонларини қўшиб бўтадай бўзлаб қолган экан.



ЧОЛГУ АСБОБЛАРИ МУСИҚАСИ

Қирғиз халқ мусиқа санъатида чолғу асбоблар муҳим ўрин эгаллайди. Чолғу асбоблари ёрдамида куйланадиган кўшиқлар куй деб аталади. Қадимий халқ мусиқий асбоблари куйидагилардан иборат: торли асбоблар -кўбиз, жетиген; пуфлама асбоблар – чоғойно, чоор, чопо чоор, сурнай, най, карнай; зарбли асбоблар – добулбас, доол, доира, аса таяк, шилдиروق ва бошқалар; оғиз чолғу асбоблар – темир чанқовуз.

Қирғиз халқининг сеvimли мусиқа асбобларидан бири – кўбиз. Қирғиз халқининг машҳур кўбизчилари Тўқтағул Сатилғанов, Қарамолдо Орозов, Ибирай Туманов, Атай Огомбаевлар табиатнинг гўзалликларини, қирғиз халқининг оғир ва машаққатли меҳнатини куйлашган. Қирғиз аёлларининг сеvimли чолғу асбоби темир чанқовуз ва ёғоч чанқовузdir. Бу чолғу асбобларда Айчурек, Бурулча, Суйдум каби аёллар куйлар ижро этишган.

Қил киякда эса Кенже Қара, Муратали, Датқа Иманқул, Саид ва бошқалар мусиқалар куйлашган.



ҚР халқ артистлари: Молдобасан, Калик, Осмонқул, Алимқул, Қарамолдо, Ибирай. 1950-йил.



? Савол ва топшириқлар:

1. Қирғиз халқининг қандай чолғу асбобларини биласиз? Уларнинг фарқи қандай?
2. Машҳур кўбизчилар номини айтинг. Қайси чолғучи ижро этган мусиқани тинглашни хоҳлардингиз? Нима учун?
3. Сиз қайси мусиқа асбобида куй ижро эта оласиз?

Мусиқий луғат:

Халқ мусиқий асбоблари – халқ томонидан яратилган мусиқа ижроси учун мўлжалланган асбоблар.

Кўбиз – қирғиз халқининг қадимий энг сеvimли мусиқа асбоби. У ноқсимон шаклга эга. Унинг асоси ўрик ва арча, ёнғоқ дарахтларидан ясалган. Кўбизнинг учта тури бўлиб, чолғучи, чап қўлида грифларни қисиб туради, ўнг қўли бармоқларида эса торларни чертиб, мусиқа ҳосил қилади. Унинг тури тоғ эчкиси ёки кўйнинг ичагидан ясалади. Ҳозирги кунда эса махсус капрондан ёки нейлондан ясалган торлар кенг қўлланилмоқда.

Сехрли оҳангли чанқовуз – халқимизнинг қадимий мусиқий асбобларидан бири чанқовуздир. Унинг икки хил тури мавжуд:

темир чанқовуз, ва ёғоч чанқовуз. Чанқовузлар бетакрор овози, гўзал оҳанги билан ажралиб туради.

Темир чанқовуз темир, мис, кумуш, бронзадан, тили пўлат металлдан ясалди. Бу мусикий асбобнинг икки тарафидаги учи тишга қўйилиб, тили кўрсаткич бармоқ билан чертиб ўйналади. Чанқовузни кўп ҳолларда хотин-қизлар чалишади. Темир чанқовузнинг мисдан ясалган тури кўп учрайди. Мис кўбиз ҳақидаги маълумотлар «Манас» эпосида ҳам мавжуд. Эпосда Канней онанинг ҳам чанқовуз чалганлиги айтиб ўтилади.

Ёғоч чанқовузнинг тили билан жағи ёғочдан ясалган ялпок мусикий асбоб. Бу чанқовуз асосан сарик ёғочдан (шилбилдан), чирқанок каби қаттиқ буталардан ва аса-муса ўсимлигидан ясалди. Асбобнинг тилига тортилган ип «қоқма ип», тил ва жағини бириктирган остки томондаги тешикка марварид ва маржон тақилиб сочилган ип «тутилган боғич» деб аталади.

Ёғоч чанқовуздаги куй ижрочининг лаблари яқинида, қоқма ипни кескин турда тортиш билан ҳосил бўлади.

Қадимий қил қияк – қил қияк кўбиз каби қаттиқ ёғочдан ясалди. Бешта тор ўтказиб икки қулоққа боғланади. Косасининг ярми туя ёки бузук териси билан қопланади. Терлари от ёки тўпоснинг думидан қилинади. Тер устидан овоз ҳосил қилиш учун отнинг қили тортилади. Ёйи тобулғидан, тағи эса қаттиқ ёғочдан ясалди. Қил қиякда кичик куйлардан тортиб, катта ҳажмли куйларгача ижро этилади.




ВАТАН

Х. Раҳмат шеъри

Х. Ҳасанова мусикаси

§



Куй-лай-ман Ва-тан ҳақ-да, Сўй-лай-ман у-нинг ҳақ-да.
Ни-я-ти пок у-луғ-дир, Ди-ёр гул-га тў-лиқ-дир.




Ош-си-ня-на дов-ру-ғи, Ўй-лай-ман шу-нинг ҳақ-да.
У-тинч-лик-ка бай-роқ-дор, Шум у-руш-га йўл йўқ-дир!



Ва-тан ко-ра кў-зим-дир,



Дил-дан чик-қан сў-зим-дир.



Ар-док-лай-ман о-нам-дек, Ва-тан, ҳал-ким ў-зим-дир.

Нияти пок, улуғдир,
Ватан қора кўзимдир,
Диёр дилга тўлиқдир.
Дилдан чикқан сўзимдир.

Нақарот:

У тинчликка байроқдор,
Ардоқлайман онамдек,
Шум урушга йўл йўқдир!
Ватан-ҳалким, ўзимдир.

Нақарот:

• Бу кизик!

Чоор – кыргыз халкынын кыдими мусык асбобларыдан бири бѳлиб, бир канча материаллардан ясалган хар бири ѳзига хос кѳринишга эга бѳлади:

Масалан: шилби чоор – бута ѳсимлигидан, ёгоч чоор – зиркдан, камиш чоор-камышдан мис ва хоказолардан ясалган бѳлади.

Най – кыдими пуфлама асбоб бѳлиб, флейта чолгу асбобига ѳхшатилади. «Манас» эпосида таъкидланишича, най харбий юришларда, халк байрамларыда чалинган. XVIII–XIX асрларда най «Шарк харбий оркестри» таркибига киритилганини рус сайёх-олими кыргыз ерига келиб кѳрганини ёзиб колдирган.

Чопо чоор – лойдан ясалган шарсимон флейта бѳлиб, кыдими мусык асбобларыдан бири хисобланади. Чопо чоорда 7–8 та тешикчалари бѳлиб, унинг диапозони октавадан каттарок.

Куй ижро этиш давомида тепадаги тешикчалар лаб билан кисилиб хаво пуфланади. Бир вактнинг ѳзида бармоklar тешикчалар устида харакат килади. Ундан чиккан овоз хуштаксимон, аммо юмшок ва йѳгон тарзда эшитилади.



Сурнай – тилчали пуфлама мусык асбоб. Ёгоч кукур кѳринишидаги йѳли кенгайиб боради. Сурнай мусык асбоб Европанын гобой асбобига ѳхшаш.

Мис карнай – қадимий мусика асбоблардан бири. Узунлиги уч метргача бўлиб мисдан ясалган. Унинг овози жуда баланд. «Манас» да таъкидланишича, аҳолини йиғинларга ва муҳим мажлисларга тўплаш учун чалинган.



Добулбас – зарбли асбобларнинг энг каттаси. Бу асбоб қозонсимон мисни куйдириш орқали ясаллади. Уст томонидаги қосасига хом тери тортилади. Асбобдан овоз чиқариш учун иккита таёқдан фойдаланилади. Таёқ орқали терига уриш натижасида паст овоз чиқаришдан тортиб, баланд овозларни ҳам чиқариш мумкин. Унинг шакли қозонга ўхшаш бўлган.

Добулбас бугунги кунда ҳақиқий халқ асбоблари қаторида туради.

Доол – лойдан ясалиб, бир бетига тери қопланган зарбли асбоб. Асбоб махсус ясалган таёқчалар орқали қўл панжалари ва қафт орасида ўйналади.





МУРОТААЛИ КУРЕНКЕЕВ (1860–1949)

Муротаали Куренкеев – Қирғизистон халқ артисти, бастакор, уста.

Муротаали Чон-Кемин районига қарашли қишлоқда музикачилар оиласида туғилган. Отасидан 11 ёшида кўмиз, кил қияк, чоорда ижро этишни ўрганди. 1922-йилда Қоракўл шаҳрида кўмизчилар тўғараги очилиб, унга Муротаали бошчилик қилган.

Муротаали деярли барча қирғиз музика чолғу асбобларини чалишни билган. У юздан ошиқ катта ва кичик халқ кўшиқлари куйини ижро этган. Улар «Кер-Узен», «Кош қайриқ», «Тунги қоровуллик», «Катта кебез», «Қамбархон» ва бошқалардир. Бу асарларни халқ куйлари билан бир қаторда мустақил ўзи ҳам яратган.

Халқ бастакорининг репертуари хилма-хил шакл ва жанрларда яратилган. Қирғиз куйларидан ташқари рус, козоқ ва татар музикаларини ҳам ижро этган.

1929–1936-йиллар давомида Қирғиз Давлат театри оркестрида ишлаган. Узоқ йиллар давомида Қорамолдо Орозов номли қирғиз халқ чолғу асбоблари оркестрида солистлик қилган. 1939-йил Москвада ўтказилган қирғиз санъатининг 1-декадасида иштирок этган. Бишкек Давлат музика билим юрти М. Куренкеев номи билан аталади.

? Савол ва топшириқлар:

1. Муротаали Куренкеев ким бўлган?
2. У неча ёшида халқ музика асбобларида куй ижро эта бошлаган?
3. Бастакорнинг қайси асарларини биласиз?

• Бу қизик!

Муротаалининг аждодларидан бир қанча иқтидорли муסיқачилар чикқан. Отадан болага муסיқани севишга иқтидори ўтиб борган. Муротаалининг энг катта отаси Қанкиш муסיқачи бўлган. Белек—катта отаси бўлиб, ёшлик чоғлариданоқ ҳар хил муסיқий асбобларда куй ижро этган. Кекса қарияларнинг айтишича Ўрмонхон даврида карнайчилик қилган.

Муסיқага бўлган мухаббат Белекдан ўғли Куренкейга (Муротаалининг отаси) ўтган. У муסיқа беллашувларида фаол иштирок этиб, совринли ўринларни эгаллаган. Бир куни у Чингишбой билан беллашишга тўғри келган. Бу беллашув байрам арафасида икки уруғ-буғу ва сарибағиш уруғлари ўртасида бўлиб ўтди. Буғу уруғидан Чингишбой, сарибағиш уруғидан Куренкей даврага чикиб, мағлубиятга учради. Бундан таъсирланган 15 ёшли Муротаали



таали Чингишбойни беллашувга чакиради. Чингишбой номаълум боланинг таклифини қабул қилиб даврага чиқади. У қайриқда қиска куй ижро этади. Муротаали унинг куйини қийинчиликсиз такрорлаб, ўз куйини чалиб беради. Чингишбой Муротаалининг куйини чалишга қийналиб ёш мусиқачи болага мағлуб бўлади.

Бу ғалаба Муротаали номини бутун Нориндан бошлаб Иссиқ-кўлгача, ҳатто Чуй водийсигача машхур қилади.

Мусиқа саводи:

Октава

Октава – VIII поғонали овоз ҳисобланади. (Лотинча – «октава» – сакказинчи деган маънони билдиради.)



Октава шартли равишда 8 рақами билан белгиланади. 12 ярим тондан иборат товуш қаторининг **до** товушида **си** товушгача бўлган қисми октава дейилади. Ҳар бир октаванинг ўз номи бор. Товуш қаторининг ўртасида жойлашган октава биринчи деб номланади.



РУС ХАЛҚИНИНГ МУСИҚИЙ МАДАНИЯТИ

«Халқ кўшиқлари, эртақларга ўхшаш булоқ суви, бастакорларга куч ва руҳ бериб, уларни гўзаллик ва маҳоратга, ҳаётни ва инсонларни севишга ўргатган».

Д. Б. Кабалевский

Рус муסיқий санъати қадимги даврларданок ривожланиб келган. Россия муסיқий маданияти ривожланишида диний қарашлар муҳим роль ўйнаган. Христиан динига қадар руслар табиатга сиғинган. Масалан, тошга, дарахт, дарё ва бошқалар. Бу турли мавсум-маросим кўшиқларида ўз аксини топган. Масалан: оққайин дарахтидан киз ясаб, унга кўйлак кийдириб, муסיқа остида рақсга тушишган.

Россия муסיқий асбобларга жуда бой бўлиб, улар: свирель, гусли, флейта, кифара ва бошқалар. Руслар ўз кўшиқчилари гусли чалувчи ва кўшиқ куйловчи Садко ва машҳур кўшиқчи Баян билан шуҳрат қозонишган. Халқ орасида екоморохлар (куйловчилар) машҳур бўлиб, улар бир вақтнинг ўзида хонанда, эртақчи, муסיқачи бўлишган.

Рус муסיқий санъати рус халқ кўшиқлари билан чамбарчас боғлиқ. Халқ кўшиқлари орқали ўз ҳаёти, қаҳрамонлиги, ҳистуйғулари, ғам-ташвишларини ифода этади. Рус кўшиқлари характер ва кайфиятига кўра хилма-хил бўлиб, қаҳрамонлик, лирик, ғамгин, қувнок, ҳазил-мутойиба кабиларга бўлинади.

Халқ кўшиқлари кўплаган муסיқачиларнинг илҳом манбаи бўлган. Рус бастакорлари ҳам, халқ кўшиқларини куйлашга интилишган.

Рус мумтоз муסיқаси М. И. Глинка ижоди билан бошланади. У миллий услублар асосчиси бўлиб, фольклор муסיқага эҳтиёткорлик билан ёндашган. Басткор деҳқонлар кўшигини гоёат гўзал тасвирлай олган. Глинка: «Халқ муסיқа яратади, биз эса унга жозоба берамиз», – деган эди. Масалан, «Иван Сусанин» операсидан Ваянинг «Она ўзининг кичик қушчасини қандай ўлдирди» кўшиғи ва бошқалардир.

Глинка ижодидаги энг яхши асар «Камаринская» симфоник фантазиясидир.

Улардан бири тўй-маросим кўшиғи «Тоғдан тоғ баланд», иккинчиси шўх «Камаринская» асаридир.

Халқ мусиқасига машҳур рус бастакорлари М. Мусоргский, А. Бородин, П. Чайковскийлар ҳам мурожаат қилишган. Н. Римский-Корсаков, С. Рахманиновлар ўз ижодларини фольклор кўшиқлари билан беаган. А. П. Бородинанинг «Князь Игорь» операсида – «Сен танҳосан азизим – Лада, Сен ёлғиз бўйи қоласан. Сен – юрапинг билан ҳаммасини тушунасан» Чайковскийнинг 1–4 симфонияси якунида «Гуллар очилди», «Даладаги оқ қайин» кўшиқлари янграган.

? Савол ва топшириқлар:

1. Россия мусиқий маданиятининг ривожланишида халқ мусиқаси қандай таъсир кўрсатган?
2. Сиз аввал ҳам рус халқ кўшиқларини тинглаганмисиз?
3. Рус халқ кўшиқлари билан ўзбек халқ кўшиқларини қиёсланг. Уларнинг ўхшаш ва фарқли томонларини айтинг.

Мусиқий луғат:

Фольклор мусиқаси (ингл. тил «folklore» – «халқ донишмандлиги») – халқнинг мусиқий – поэтик ижоди, тўғрироғи халқ ҳаёти, унинг ғоялари ва тамойилларини акс эттиради. Халқ томонидан яратилган тўртлик, масал-матал, эртақ, афсоналар, чолғу куйлари авлоддан-авлодга ўтиб келади.

• Бу кизик!

Михаил Иванович Глинка (1804–1857-йй.) – рус мумтоз мусикасининг асосчисидир.

Михаил Иванович Глинка 1804-йил 1-июнда Смоленск губерниясида туғилган. Отаси Иван Николаевич Глинка капитан бўлган. Бўлажак бастакорни бувиси тарбиялаган ва уни жуда севиб ҳар хил ширинликлар билан сийлаб турган. Миша тез-тез оғриб қолгани сабабли кўп вақтини табиат кўйида ўтказган. У табиатни севиб, халқ мусикаларини, кўнғироқчалар овозини севиб тинглаган. Рус кўшиқлари у учун тушунарли ва сеvimли бўлган.

Миша эрта ўқиш ва ёзишни ўрганган. У расм чизишни, мусика асбобларини чалишни жон-дилдан ижро этган. Шунинг учун унга фортепиано сотиб олишган. Миша 10 ёшидан пансионда ўқишни бошлаган. У ерда жуда кўп вақт мусика билан шуғулланди. Ўша ерда у А. С. Пушкин билан танишган.

Уруш йиллари 1812-йили Глинкалар оиласи Россия ичкарасига кўчиб кетган. Урушда кўрган даҳшатли воқеаларни бастакор ўз ижодларида акс эттирган. Улардан бири «Иван Сусанин» операсидир. Унда костромалик деҳқон Иван Сусаниннинг қаҳрамонликлари ҳикоя қилинади. У ўз ҳаётидан кечиб, ўтиб бўлмас ботқоқлика душманларни олиб боради.

Глинка рус кўшиқлари асосида яратган ажойиб асари «Камаринская»ни чет элда ёзган. «Камаринская» рус мусикий асарлари ичида биринчи симфоник асар бўлиб қолган.

Умрининг охириги йиллари у жуда кўп саёҳат қилган. Ўша йиллари кўплаган фортепиано учун пьесалар, симфоник асарлар, вокал асарлардан – кўшиқлар ва романслар ёзган.

КАЛИНКА

И. Ларионов сүзи ва мусикаси

Ка-лин-ка, ка-лин-ка, ка-лин-ка мо-я! В саду я - го - да ма
лин-ка, ма-лин-ка моя-я! Ах, ка - я! Ах! Под сос - но - ю,
под зе-ле - но - ю, спать по-ло-жи - те вы ме - ня, Ах й, лю-ли,
лю-ли, ай, лю-ли, лю-ли, спать по-ло-жи - те вы ме - ня.

Калинка, калинка, калинка моя!
В саду ягода малинка, малинка моя!
Ах! Под сосною под зеленою
Спать положите вы меня;
Ай, люли, люли, ай, люли, люли,
Спать положите вы меня.

Калинка, калинка, калинка моя!
В саду ягода малинка, малинка моя!
Ах! Сосенушка ты зеленая,
Не шуми же надо мной!
Ай, люли, люли, ай, люли, люли,
Не шуми же надо мной!

Калинка, калинка, калинка моя!
В саду ягода малинка, малинка моя!
Ах! Красавица, душа-девица,
Полюби же ты меня!
Ай, люли, люли, ай, люли, люли,
Полюби же ты меня!

Калинка, калинка, калинка моя!
В саду ягода малинка, малинка моя!

ТАТАР ХАЛҚИНИНГ МУСИҚА МАДАНИЯТИ

Бизнинг республикамызда бир қанча миллат вакиллари истикомат қилади. Улар орасида татарлар алоҳида ўрин эгаллайди. Татар халқ мусиқа маданияти асрлар оша шаклланиб, кўшиқлари оғиздан-оғизга ўтиб келмоқда.

Татар мусиқий санъатида кўшиқ ва рақслар кенг ўрин эгаллайди. Мусиқанинг куйланиш характериға қараб, бу асар нима ҳақида эканлигини аниқлаш мумкин.

Бишкек шаҳрида бошқирд-татарларнинг маданий маркази фаолият олиб бормоқда. Бу ерда кексалар ва болалар мусиқа, тўғарақларида фаол қатнашадилар. Бу мусиқа ансамблда «Ёшлик» рақс, «Дўстлик» хор тўғарағи фаолият кўрсатади. Бу жамоа репертуарида татар, бошқирд халқларининг куй ва рақслари, малакали бастакорлар ижоди ҳам ўрин эгаллайди.



«Дўстлик» хор жамоасининг асосчиси Қирғизистон ССР халқ артисти Мунжия Ханумдир.

Татар бастакорлари болалар учун бир қанча кўшиқлар яратишган. Масалан: Рустам Яхин («Лагерда», «Салом мактаб»), Салих Сайдалиев («Ёш сайёҳлар кўшиғи», «Мактаб вальси») Заид Хабибулин («Бечора қуён») кабилардир.



УЙҒУР ХАЛҚИНИНГ МУСИҚА МАДАНИЯТИ

Уйғур профессионал музикасининг асосчиси бастакор Куддус Хўжамёров ҳисобланади. Дехқон оиласида улғайган Куддус СССР халқ артисти, СССР Давлат мукофоти лауреати даражасигача етган. У «Нозигим» («Олтин тоғ») операси, «Чинтомур Ботир» балети ва бир қанча симфониялар муаллифи.

Биринчи уйғур бастакор аёли Санат Қабировадир.

У «Чили» симфоник-ораториясини, вокал йўналишида «Шарк нафаси», «Енгил сюита» каби музикаий асарларни яратган.

Уйғур халқининг маиший турмушида рақс ва музика алоҳида ўрин эгаллайди. Бу халқнинг кўшиқлари ўзининг музикаийлиги билан ажралиб туради. Халқ чолғу асбоблари жўрлигида ижро этилувчи «Ўн икки уйғур мақоми» ўзига хос мавқега эга. Халқ чолғу асбоблари дутор, танбур, сетор, дап, шалдап, думбан, катта доиралардан иборат. Уйғур музикаси рақс ҳамоҳанглигида ижро этилади.

Хитой Тан сулоласи императори уйғур раққослари санъатини юқори баҳолаб тантанали маросимларига уларни таклиф қилган.



КОРЕЙС ХАЛҚИНИНГ МУСИҚА МАДАНИЯТИ

Корейс халқининг тарихи, мусиқаси ва санъати узоқ ўтмишга бориб тақалади. 60 дан ошиқ миллий мусиқа асбобларидан 45га яқини етиб келган. Корейс мусиқаси софлиги ва ўзига хос репертуари билан ажралиб туради.

Илк корейс чолғу мусиқий асарининг номи «сучжечхон» деб аталади. (Бу асар ҳозирги кунда ҳам ижро этилмоқда). Унинг яратилганига минг йилдан ошган. Бу куй чолғу ансамбли ижросида куйланиб, тэгим (катта бамбук флейтаси), пхири (цилиндрасмон гобой), каягим (ўн икки торли йитра), ҳар хил барабанлар жўрлигида соз чаладилар. Ҳозирги кунда корейс халқ мусиқаси ракс ва ритмик ҳаракатлар жўрлигида ижро этилади. Бизнинг кунгача буддавий монахларнинг ижросидаги «Чак-поп» капалаклар ракси яратилган.

Корейс халқ орасида халқ кўшиклари жуда оммалашган бўлиб, уч босқичли характерга эгадир. Халқ орасидан келиб чиққан «пхансора» вокал мусиқаси шулар таркибига киради. Унда бир вақтнинг ўзида хонанда кўшиқ куйлаб, куй ижро этади ва раксга тушади.





? Савол ва топшириқлар:

1. Бишкек шаҳрида қандай татар-бошқирд маданий маркази фаолият олиб боради?
2. Сиз билмаган тилда ижро этиладиган мусиқанинг мазмунини тушуна оласизми?
3. Уйғур халқининг турмуш шароитида кўшиқ ва рақс қандай аҳамият эгаллайди?
4. «Пхансора» нима?
5. Қирғиз халқининг мусиқий асбобларини корейс ва уйғур мусиқий асбоблари билан таққосланг.

Мусиқий луғат:

Дутор – уйғур халқининг икки торли мусиқий асбоби.

Думбоқ – катта барабан.

Вокал мусиқаси – куйлаш учун мўлжалланган мусиқа.

Тэгим – катта бамбукдан ясалган флейта.

ШАЙЫР КОМУЗЧУ

Б. Абакиров шеъри

К. Молдобасанов музыкаси

Ўртача



Ко - му - зум, ко - му - зум, тий - гиз - ген - де
кол у - чун, "Шың - ғы - ра - ма", "На - сый - кат",
Шаң - дуу чы - гат до - бу - шун. Те - рип чер - тем,
жа - нып чер - тем, мин - тип, мин - тип, мы - на мин - тип.

Комузум, комузум,
Тийгигизгенде кол учун.
«Шыңгырама», «Насыйкат»,
Шаңдуу чыгат добушун.

Нақарот: Терип чертем,
Жанып чертем,
Минтип, минтип,
Мына минтип.

Комузум, комузум,
Жакшы сенин добушун.
«Мин кыялды» сүйлөтүп
«Камбарканды» сайратам.

Нақарот:
Чоң атам, чоң энем,
Күндө мени черттирет.
Чоң комузчу болот деп,
Эркелетет өпкүлөң.

Нақарот:

ЎЗБЕК ХАЛҚ БАСТАКОРЛАРИ

Ўзбек халқ бастакорлари мусиқа санъатининг ривожланишига улкан ҳиссаларини қўшган. Улардан Юнус Ражабий, М. Бурҳонов, Т. Жалилов, Ф. Назаров, И. Акбаров, А. Муҳамедова, Ғ. Тошма-товлар кўшиқ ва куйлар яратиб, халқ қалбидан жой олган.



Ю. Ражабий
(1897–1976)



Мугал Бурҳонов
(1916–2002)



Фаттоҳ Назаров
(1919–1982)



Тўхтасин Жалилов



Холмирза Азимов
(1925–1992)

Мутал Бурхонов 1916-йил Бухорода туғилган. У ёшлигидан мусиқани севган. Машхур мусиқачилардан халқ ашула ва макомларини ўрганган. Москва Давлат консерваториясида ўқиган.

У йирик мусиқий асарлар ёзган. «Баҳор қушлари», «Абу Али Ибн Сино», «Алишер Навоий», кинофильмлари учун мусиқа яратган. Талантли бастакор М. Бурхонов Ўзбекистон Давлат мадҳиясининг муаллифи. Сиз қуйида М. Бурхоновнинг «Баҳор қўшиғи» мусиқасини тингланг.

БАҲОР ҚЎШИҒИ

М. Бурхонов мусиқаси



? Савол ва топшириқлар:

1. Ўзбек халқ бастакорлари ҳақида нималарни биласиз?
2. М. Бурхонов қандай мусиқий асарлар ёзган?
3. Ю. Ражабий ҳақида билганларингизни айтиб беринг.

Мусиқий луғат:

Опера (итальянча сўз бўлиб «баён қилиш» деган маънони билдиради) – мусиқий спектакль бўлиб, барча ижрочи санъаткорлар мусиқа садолари остида ҳаракатланадилар.

СВЕТОФОР

С. Очил шеъри

С. Нурметов мусиқаси

Ўртача, куйчан

У - чо - гай - ни бо - тир - миз, Уч хил ранг - да но - дир - миз.
Қи - зил, я - шил, са - рик - миз, Куч - куд - рат - га ко - дир - миз.
Ҳам жи - хат - миз до - им биз
Чор - ра - ха - лар жо - йи - миз. Вақ - ти би - лан нур со - чар
уч - та тў - ли у - йи - миз.
қи - зил, я - шил, са - рик - миз, Куч - куд - рат - га ко - дир - миз

Ҳамжиҳатмиз доим биз,
Чорраҳалар жойимиз.
Вақти билан нур сочар
Учта тўлин ойимиз.

Қизил ёнса, тек туринг,
Яшил ёнса, тез юринг,
Сарик ёнса, эҳтиёт
Чорасини ҳам кўринг.

Гапимиз шу сизларга:
Барча ўғил - қизларга –
Дуч келмайсиз хатарга,
Қудок солинг бизларга.

ХАБИБУЛЛО РАҲИМОВ
(1946)



Муסיқа санъатининг турли йўналишларида самарали ижод қилиб келаётган Хабибулло Раҳимов болалар кўшиқчилигини бойитиш ва ривожлантиришда ўз хиссасини кўшиб келмоқда. Унинг кўпгина йирик асарлари нафақат Ўзбекистонда, балки чет элларда ҳам катта шухрат қозонган. Ўқувчи – ёшлар учун ёзилган «Дўмбокчалар кўшиғи», «Боғча опам», «Ой боламиз – той боламиз», «Мен гунчаман», «Она юрт» каби бир қатор кўшиқлари эса Республикамизда ўтказилган турли танловларда совринли ўринларни эгаллаган.

Композитор жаҳон мумтоз муסיқаси йўналишида ҳам самарали ижод қиляпти. Опера, музиқали драма ва комедия ҳамда турли оркестрлар учун ёзилган бир қанча асарлари Хабибулло Раҳимовнинг серқирра ижодкор эканлигидан далолат беради.

? Савол ва топшириқлар

1. Х. Раҳимовнинг қандай кўшиқларини биласиз?
2. Опера ва муסיқага оид қандай асарлар ёзган?

Муסיкий луғат:

Ансамбль (французча сўз бўлиб, «бирга» деган маънони билдиради) – бир қанча муסיқа ижрочиларининг ҳар хил чолғу асбобларида куй ижро этувчилардир. Шу билан бирга вокал ёки чолғу асбоблари асарлари бир қанча ижрочилар томонидан ижро этилади.

Оркестр – ҳар хил муסיкий чолғу асбобларида куй ижро этувчи жамоа. Чолғу асбобларининг қўлланишига кўра оркестр бир қанча турларга бўлинади. Халқ чолғу асбоблари оркестридан ташқари симфоник оркестр, пуфлама оркестр ва торли оркестрларни ҳам биламиз.



МУКАШ АБДРАЕВ
(1920–1979)



Қирғизистон Республикасининг халқ артисти, Тўқтағул номидаги Давлат мукофоти эгаси, бастакор, профессор.

Мукаш Абдраев Сокулук туманига қарашли Чоң-Жар қишлоғида дунёга келган. У ота-онасидан эрта етим қолиб, тоғаси ва қирғиз халқининг таниқли мусиқачиси, кўшиқчиси ва қизикчи Шаршен Термечиков оиласида тарбияланди. Унинг тоғаси Мукашни 13 ёшида пойтахтдаги мусиқа студиясига беради. Ш. Термечиков хонадонига машхур мусиқачилар, кўшиқчилар, кўбизчилар йиғилишиб, ижодий ҳамкорлик қилишган. Бу йиғинларда кўшиқ, хазил-мутойиба, мусиқа ижро этилган. Буларнинг барчаси Мукашнинг келажакда мусиқачи бўлиб етишишида ўз таъсирини кўрсатади. Мукаш ва унинг дўстларини Москвага ўқишга жўнатишади. Ёш Мукаш фанларни яхши ўзлаштирар эди. Унинг келажакдаги орзуси бастакор бўлиб етишиш эди.

Москва консерваториясида ўқиб юрган пайтлари дастлабки мусиқий асарларини ёзган. Улар орасида кўшиқлар, пьесалар, мусиқий комедиялар бор. Дастлабки мусиқий комедияси «Ким қайтди» деб аталади.

Улуғ Ватан уруши йиллари даврида бизнинг республикамизга бир қанча бастакорлар ва мусиқачилар жўнатишган (Мяковский, Шапорин, Александров ва бошқалар). Мукаш Абдраев профессор Владимир Фере қўл остида мусиқий билимларни чуқурлаштириш билан шуғулланади. Унинг «Ким қайтди» (Ким қандай йўл тутди) мусиқий комедияси 1943-йилда яратилган. У асосий эътиборни хор ижрочилигига қаратади.

Кейинчалик «Қирғизистон», «Улуғ кун», «Бекбекей» симфоник поэмаси, «Ўлжабой ва Кишимжон» операси, «Байрам куйи» асар-

ларини яратган. Унинг болалар учун «Лагер вальси», «Куйлайлик, дўстлар, куйлайлик», «Дўстлар овоз билан» қўшиқлари яратилган. Муқаш Абдраев Қирғизистонда таниқли бастакор бўлиб етишди.

? Савол ва топшириқлар:

1. М. Абдраевнинг ҳаёти ва ижодий мероси ҳақида айтиб беринг.
2. У қандай асарларни яратган?
3. Бастакорнинг «Байрам куйи» асарини тинглаб, таҳлил қилинг.

Мусиқий лугат:

Кантата – оркестр жўрлигида хор ва яккахон ижрочилар учун яратилган тантанавор вокал-симфоник асар.

- Бу қизиқ!

Муқаш Абдраев машҳур тоғаси мусикачи-хонанда Шаршен Термечиков қўлида тарбияланган. Шаршен – халқ ичидан чиққан кизиқчи ва сўз устаси эди. Кунларнинг бирида у уйига кўмиз олиб келиб, унда куй ижро эта бошлади. Кейин кўмизни орқа томонга ўгирган эди, қозоқларнинг дўмбирасига айлланиб қолди. У куй чала бошлаган эди, уй қозоқ оҳангларига тўлиб кетди. Шу каби талбирлар Муқашни мусиқий қобилиятини ўсишига ва келажакда машҳур бастакор бўлиб етишишига туртки бўлган.


Мусика саводи:

Нота ёзуви: «си» нотаси кичик октава.



кўл ишораси

Машк:



ҚҰШИҒИМИЗ АВЖИДА

Ғ. Комилов шеъри

Т. Азимов мусикаси

Уртача тез

(аккордон)



Қу-ши-ғи - миз ав - жи - да лай-лум, ла - ла - лум, ур - та - га туш



Мав-жу-да лай - лум, ла-ла-лум. Қа-ни, ка-ни ке-линг-лар лай-лум



ла-ла-лум, Биз-лар-га жүр бұ-линг-лар лай - лум ла-ла - лум.

Шод, бахтиёр ёшлармиз
Лайлум, лалалум.
Қувноҳ ўйин бошлаймиз,
Лайлум, лалалум.

Қўлда сөз, доирамиз,
Лайлум, лалалум.
Кенгайверсин даврамиз,
Лайлум, лалалум.



ЖУМАМУДУН ШЕРАЛИЕВ (1915–1994)

Жумамудунлар оиласи чегара худудига яқин жойда истиқомат қилади. Кунларнинг бирида ёш бола ажойиб куйни эшитиб қолади. Бу куйни ёш чегарачи – аскар баянда ижро этар эди. Аскар болани унга ҳайрат билан қараб турганини кўриб «Ҳа, болакай, мусиқани севасанми?», «Сенда кўбиз борми?» деб сўради. «Ҳа» дея дарҳол жавоб берди Жумамудун. «Бўлмаса олиб кел, биргаликда куй чаламиз». Болакай зудлик билан кўбизни келтирди. Аскар баянда куй ижро этди, Жумамудун эса бу куйни кўбизда такрорлади. Бир қанча вақтлардан сўнг болакай кўбизда бемалол куй ижро этадиган бўлди. Бундан таъсирланган аскар болани кўлига олиб, кучоқлаб ўпди. Шу тарққа бўлғуси бастакорнинг мусиқадан биринчи дарси тамом бўлди.

Жумамудуннинг отаси боладаги мусиқага бўлган қизиқишни пайқаб, унга ўзи кўмиз ясаб берди. Бу севимли чолғу асбоби билан умрининг охиригача қадрлаб келган.

Машҳур мусиқачилар, кўшиқчилар концерт дастурлари билан республикамизнинг барча ерларига ташриф буюришган. Ёш мусиқачига А. Малдибаев, Р. Шукурбеков, А. Боталиевлар билан учрашув улкан таассурот қолдирган. Уларнинг куй ва кўшиқларини тинглаб мусиқачи бўлишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. 13 ёшида ўзининг илк «Севимли» деб номланган кўшиғини ёзган. 16 ёшдан эса район радиоузелида артист бўлиб иш бошлаган.

1936-йили у Фрунзе шаҳрига келади ва филармониянинг халқ чолғу асбоблари оркестрига кўбиз ижрочиси ва солист сифатида қабул қилинади.

? Савол ва топшириқлар:

1. Ж. Шералиевнинг илк устози ким бўлган?
2. Дастлабки мусиқий таълимни ким берган?
3. Болалар учун қандай кўшиқлар ёзган?

• Бу кизик!

Иктидорли бастакор – хонанда. Қирғизистон халқ артисти Жумамудун Шералиев турли жанрларга оид олтмишдан ошиқ кўшиқлар ёзган. У «Тоғ қизи», «Курманбек» спектаклларига, хор ва чолғу пьесаларига мусиқалар ёзган.

Унинг ижодида болалар кўшиғи алоҳида ўрин эгаллайди. «Бешиқ кўшиғи», «Шундай бўл», «Бахтли болалик» кабилар шулар жумласидандир. Кўшиқларнинг соддалиги, болалар орасида машҳурлиги билан ажралиб туради.

Мусиқа саводи:

Нота ёзуви «ля» нотаси кичик октава.



кўл ишораси

Машқ:



Кўл ишораларини кўрсатиб куйланг:



МЕН ЗАМАНДЫН ЭРКЕСИ


Д. Кененбаев шеъри

Ж. Шералиев мусикаси


Үргача



А-чып тур-муш сыр-ла-рын, ай-тып чек-сиз жыр-га-лын.



Сал-га-нат-туу доо-ру-ма, сал-сам көз-дүи кыр-ла-рын



Мен эр-ке-си жа-раш-кан, эр-кин ө-сүп ба-рат-кан.



Мен эр-ке-си за-ман-дын, эр-кин ө-сүп ба-рат-кан.

Жаз, жай өтүп күз болуп,
Акыл жетип күч толуп.
Жылдар жылга саналып,
Курчап сезим көзгөлүп.
Мен эркеси жарашкан,
Эркин өсүп бараткан.

Сырын ачып нечендин,
Турмуш жолун кечемин.
Улуу доордо төрөлсөм,
Уулумун да Мекендин.
Мен эркеси жарашкан,
Эркин өсүп бараткан.

МУРОТБЕК БЕГАЛИЕВ
(1955)



Киргиз халкининг таникли бастакори. Муротбек Бегалиев Жумгал районига карашли Мингкуш кншлоғида туғилган. Болалик чоғидан кўбиз чалиб, халк кўшиқларини севиб тинглаган. Истеъдодли бастакор кўплаган асарларни яратган. Симфония, симфоник поэма, тасвирлар, сюиталар, вокал-симфония, хор, торли асбоб оркали ижро этиладиган бир катор асарлар унинг қаламига мансуб. М. Бегалиевнинг бошқа бастакорлардан фарқи шуки, асарларида халқ асбобларидан фойдаланганлигидадир. Унинг «Яратувчининг мадҳияси», «Кирғиз саймалари» каби асарлари бор.

Бастакорнинг «Яратувчининг мадҳияси» асарида фақат халқ асбобларидан (темир чанқовуч, кўбиз, қил кияк, чўпа чор ва зарбин асбоблар) фойдаланганлигини кўрамыз.

? Савол ва топшириқлар:

1. М. Бегалиев ижоди ҳақида айтинг.
2. Бастакор қандай асарларни яратган?
3. Унинг қайси асарларида халқ асбоблари қўлланилган?

Мусиқий дугат:

Симфоник поэма – симфоник оркестр ижроси учун ёзилган катта ҳажмли мусиқий асар.


• Бу қизик!

Муסיқага ҳаваси ортган болани бувиси яйловга олиб кетади. У яйловнинг гўзал манзараси билан танишади. Яйловда ўзининг санъати билан элга танилган кўшиқчи шоирлар, кўбизчилар, манасчилар билан танишади.

Бўлажак бастакорнинг ёшлигидан муסיқага бўлган ҳаваси ўн беш ёшида ўз мақсадига етади.

Муסיқий мактабга қабул ҳақидаги эълонни газетадан ўқиган Муротбек пойтахтга келади.

Республика махсус ўрта муסיқа мактаб интернати имтиҳонларини муваффақиятли топшириб, ўқишга қабул қилинади. У пуф-лама асбобларидан труба, кларнет, фагат чалишни маҳорат билан ўрганиб профессор Муқаш Абдраевдан композиция сабоқларини ҳам эгаллайди. Шу тариқа муסיқа дунёсига кириб келган ёш муסיқачи, бугунги кунда ҳар хил гўзал бадий асарлари билан халқ олқишига сазовор бўлмоқда.



ЧТО ЗА ДЕРЕВО ТАКОЕ?

Слова Л. Некрасовой

Музыка М. Старокадомского

Шутливо

Музыкальная партитура песни. Пять строк нотного записи в тональности ми-бемоль мажор и 2/4 ритме. Под нотами напечатаны слова песни.

Что за де-ре-во та-ко-е, вся мо-куш-ка в се-реб-
ре. Рас-цве-ло у нас зи-мо-ю. в день мо-роз-ный в де-каб-
ре? Вот так, так! Вот так, так! Э-то на-ша
ёл-ка. Вот так, так! Вот так, так! Э-та на-ша ёл-ка.

Что за дерево такое,
Вся макушка в серебре,
Расцвело у нас зимою,
В день морозный в декабре?

Нақарот: Вот так-так!
Вот так-так!
Это наша ёлка.

Созревают фрукты летом,
Летом яблок полон сад,
А на дереве на этом,
В зимний день они висят!

Нақарот:

И орехи, и конфеты,
И шарх на нем висят,
Есть на дереве на этом,
Всё для радости ребят!

Нақарот:

Сеҳрли, мўъжизавий байрам Янги йилдир. Бу байрамни нафақат болалар, ҳатто катталар ҳам орзиқиб кутадилар ва мўъжиза юз беришига ишонадилар. Қирғизистонда янги йилни кутиш анъанаси 31-декабрь оқшомида бўлади. Бу кун шаҳар ва қишлоқларда арчалар безатилиб, сайиллар уюштирилади. Бу байрамда албатта Қорбобо ва Қорқиз иштирок этади.

Давлат раҳбарлари байрам арафасида ўз халқига байрам табригини йўллайдилар. Соат миллари ўн иккига занг чолгач, ҳамма бир-бирларини қутлаб, соғлиқ-саломатлик, тинчлик тилайдилар.

Муסיқачилар ҳам бу байрамда муносиб иштирок этадилар. Янги йилга бағишлаб турли хил жанрларда қўшиқдан тортиб операгача асарлар яратишган. Янги йилда шўх, қувноқ куйлар ижро этилиб, Қорбобо ва Қорқизни мадҳ этувчи қўшиқлар куйланади. Арча атрофида қизиқарли ўйин-кулгилар ташкил қилинади.

- Бу қизиқ!

«Янги йил» байрамини кўплаган дунё халқлари нишонлайдилар. Бу байрам эски йилнинг охириги кунини ва янги йилнинг биринчи кунини нишонланади. Байрам эрамиздан уч минг йил аввал Мессопотамияда нишонланган. Эрамизнинг 46-йилида Рим давлат арбоби Юлий Цезарь Янги йилни 1-январь кунини нишонлаш ҳақида қарор чиқарган. Бу байрам Янус худоси шарафига бағишланган. Январь ойини Янус худосига атаб қўйилган.

ЯНГИ ЙИЛ ҚҶШИҒИ

Қ. Хикмат шеъри

Қ. Абдуллаев мусикаси

Қувнок



Хов- ли миз- га ўр- нат- дик кўм-кўк ар - ча - ни.
Дав - ра - миз- га ўр - нат- дик иг - на барг - ча - ни.
Қор - бо - бом - дан ўр - га - шиб бе - зат - дик у - ни.
Дўст- лар, ке - лишг кўр - га- ни, Ян - ги йил ку - ни.

Кўксида гул, лолалар,
Сочар зар шуъла.
Атрофида болалар
Айтар ашула.

Бахтли, тотув барчамиз,
Яшнайти ҳар дил.
Яша, қутлуғ арчамиз,
Яша, янги йил.



НОВЫЙ ГОД

Слова Г. Лебедевой

Музыка В. Астровой

Весело

То - пят пе - чи жар - ко пи - ро - ги пе - кут, Ел - ки и по - дар - ки
все до - мой не - сят. Ба - буш - ки и де - душ - ки, Маль - чи - ки и де - воч - ки
Взрос - лы - е и де - ти, Все на све - те. Ба - буш - ки и де - душ - ки
Маль - чи - ки и де - воч - ки, Взрос - лы - е и де - ти, Все на све - те.

Возле ёлки каждой,
Хоровод ведут,
Кружатся и пляшут,
Песенки поют.

Нақарот: Бабушки и дедушки,
Мальчики и девочки,
Взрослые и дети,
Все на свете.


Ты – любимый самый,
Праздник Новый год,
Дети, папы, мамы,
Каждый тебя ждёт.

Нақарот:

Пусть счастливым будет,
Этот Новый год,
Чтоб совсем не знали,
Горя и забот.

Нақарот:

КРОССВОРД



Вертикал бўйича: ■

1. Қирғиз халқ зарбли чолғу асбоби.
2. Оркестр учун ёзилган асар.
3. Мусиқани ижод қилувчи малакали мусиқачи.
4. Қирғиз бастакори.
5. Мусиқа асарларининг турли хиллиги.
6. Ўсимлик тури.
7. Қирғиз халқ зарбли чолғу асбоби.

ҚОЗОҒИСТОН

Хар бир халқ ўзининг мусикий маданиятига эга. Бошқа халқлар мусикий гўзаллигини хис қилиш учун уни диққат билан тинглаш керак.

Марказий Осийё ва Қозоғистон халқлари мусикий фольклорга бой халқ ҳисобланади. Оқинлар, бахшилар, хофизлар, халқ ичидан чиққан айтувчилар кўшиқчилар миллий мусиқа асбоблари – кўбиз, дутор, домбра, доирада куй ижро этишиб, бетакрор халқ мусикий меросини яратганлар.

Кўшиқ ҳақида қозоқ халқ афсонасида шундай фикрлар келтирилади: «Баланд осмонда илоҳий Кўшиқ сузиб юрарди. У бирдан қозоқ кўчманчилар олдига пастлаб учиб келди. Ўша ерда яшовчи одамлар уни тинглай бошлади. Кўшиқ уларга мусикий иқтидорни ташлаб кетди. Кўшиқ инсонларга берилган илоҳий неъмат эканлиги афсонада айтилади. Одамлар халқ байрамларида, турли маросимларда тўпланиб биргаликда ёки навбатма-навбат кўшиқ куйлашган. Албатта, байрамларнинг марказида профессионал мусиқачилар, кўшиқчи ва шоирлар бўлишган. Халқ орасида уларни жирау, оқин, жирчи, кўйши, сали, сере деб номлашган.



Таниқли мусикачилар ташрифи ҳақиқий байрамга айланиб кетган. Одамлар тўпланишиб куй, кўшиқ, ҳазил-мутойиба ярим тунгача уланиб кетган.

Ўтган асрнинг бошларида қозоқ профессионал мусикаси ривожлана бошлади. Мусиқий мактаблар, техникум ва консерваториялар ишга тушди. Е. Брусилловскийнинг «Қиз жибек», А. Жубанов ва Л. Хамудийнинг «Абай», М. Тулебаеванинг «Биржан ва Сора» опералари яратилди. Мазкур опералар ўз ичига халқ оғзаки ижоди жавоҳирлари ва профессионал мусикани қамраб олган.

Симфония санъати оммалашди. Янги симфоник куй жанри пайдо бўлди. Қадимий қозоқ халқ чолғу асбоблари асосида тузилган «Ўттар Сози» оркестри иш бошлади. Қурмонғози, Даулетперил, Татимбет, Қазанган, Биржоп, Ахан, Жаяу Мусса, Кежи Арарбаев номлари нафақат қозоқ мусикаси тарихига, балки жаҳон мусиқий маданияти тарихидан ҳам ўрин эгаллади. Уларнинг ёрқин ижоди бошқалардан ажралиб турган.

? Савол ва топшириқлар:

1. Жирау нима?
2. Халқ кўшиқларини куйловчилар қандай ном билан аталган?
3. Машҳур мусикачилар ташрифи нима учун байрамга айланиб кетган?

Мусиқий луғат:

Фольклор (инглизча сўз бўлиб, халқ донолиги деган маънони билдиради). Халқ ижодиёти, донишмандлиги.

Симфония – (грекча сўз бўлиб эшитилувчи деган маънони ифодалайди). Оркестр учун яратилган асар.

ҚУВНОҚ БОЛАЛАР ҚҰШИҒИ

Х. Каюмов шеъри

Ғ. Қодиров мусикаси

Маршона



Қор ё - ғар, дур ё - ғар - ок ранг - га ўх - шар.
Хо - на - миз гул оч - ган ба - хор - га ўх - шар. Ян - ги йил ар - ча - син
бе - зат - лик ўр - кам. Шох - ла - ри тов - ла - нар, чи - рой - ли би - рам.

Даврани кенг олиб,
Бошлаймиз ўйин.
Айтамыз янги йил
Қўшиғин – куйин.

Нақарот:



• Бу кизик!

Оқинлар дўмбира жўрлигида куйлашади. Шеърларни мусикага мос равишда ёзадилар. Халқ оқини ўз халқини тарихини, маданиятини яхши билиши зарур. География ва ижтимоий фанларидан ҳам яхши хабардор бўлиши керак.

Айтишувларда оқин ўз халқи номидан ижро этса, Жирау ўз халқи номидан қатнашади.

Куйчи куй яратиб, ўзининг яратган куйи ва бошқа куйчиларнинг ижодидан хабардор бўлиши керак.

Сали ва сэрелар алоҳида хусусиятга эга одамлар саналишган. Улар мусикачи, кўшиқчи, фокусчи, курашчи, кўзбойлагич каби қирраларга эга бўлишган. Баъзан бирга фаолиятни бир кишининг ўзи бажарган. Улар ёрқин рангли либослар кийишиб, дўмбирасига туморлар тақиб олишган.



Дўмбиранинг пайдо бўлиши ҳақида афсона

Қадим замонда икки туғишган ака-ука яшаган экан. Укасининг дўмбираси бўлиб, у дўмбира чалишни яхши кўриб, куй чалишдан бошқа ҳеч нарсага кизикмайди. Дўмбира чалаётганда атрофидаги барча нарсаларни унутиб қўйган. Акаси бўлса номусли, ўзини бошқалардан баланд тутган одам бўлган. Кунларнинг бирида у ўз номини қолдириш мақсадида катта дарёга кўприк қуришни ният қилади. Укаси дўмбира чертишдан бўшамай, акасига ёрдам беришни ҳаёлига ҳам келтирмайди. Жаҳли чиққан акаси укасининг қўлидан дўмбирани тортиб олиб, тошга уриб синдиради.



Мусиканинг овози тўхтаса-да, тошларда унинг қолдиқлари қолади. Орадан бир қанча йиллар ўтади. Халқ ичидан чиққан иқтидорли кишилар синган дўмбиранинг қолдиқларини тошлар орасидан топиб, қайтадан яшади. Бугунги кунгача уни сақлаб, куйининг мўъжизавий оҳангларини чертиб, ривожлантириб келишди. Ҳозирги вақтда қозоқ халқининг ҳар бир хонадонида дўмбиранинг овози жаранглаб келмоқда.

? Савол ва топшириқлар:

1. Мусиқий чолғу асбоблари ҳақида қандай афсонларни биласиз?
2. Афсоналар асосида расм чизинг.
3. Болалар учун қандай мусиқий асбоб яшаш мумкин?
4. Қозоқ дўмбираси билан қирғиз кўбизини солиштиринг. Уларнинг фарқли томонларини айтинг.

Мусиқий луғат:

Дўмбира – қозоқ халқининг икки торли мусиқа асбоби. Дўмбиранинг ғарбий ва шарқий турлари бор. Дўмбиранинг ҳар хил шакли икки ўзига ҳос ижрочилик анъанасига эга. Тўкма куйларни ижро этишда чап қўл эркин ҳолда торларни чертиши керак бўлади. Ғарбий дўмбиранинг грифти ингичка ва узунчоқ ичаклар бўлган. Шарқий дўмбиранинг пардаси кенг ва қисқа нарда ҳолида бўлган. Мусиқий асбобининг ҳажми ва шакли куйнинг баланд овозини таъминлайди. Қанчалик ҳажми катта бўлса, дўмбирадан баландроқ овоз эшитилади. Дўмбира нафақат икки томонли балки, уч томонли ҳам бўлиши мумкин.

Кўбиз – торли мусиқий асбоб бўлиб, қирғиз халқининг қил қияқ чолғу асбобига ўхшаш. Асбобнинг асоси ёғочдан ясалиб, чўмич шаклига эга. Унинг пастки қисмига туя териси қопланади. Тери устига махсус таглик кўйилиб, ўша отнинг ёлидан иккита тор кўйилади.

• Бу қизиқ!

Болалар лойдан ҳар хил шаклдан мусиқий асбоб ясайдилар. Бу асбоблар турли ҳайвоцларнинг, қушлар ва балиқлар шаклида бўлади. Бу билан болалар теварак оламни таниб, кўшиқлар куйлашади, мусиқалар тинглашади.

ТОЖИКИСТОН

Тожикларнинг мусикий ижоди турлари, жанрлари, кўринишлари қадим замонлардан бери яратилиб келган. Шарқда нота ёзуви бўлганлигини қадимги ёзма манбалар далиллайди.

Тожик халқининг мусикий санъати эпик, оилавий урф-одатларни ифодаловчи ва никоҳ тўйларига бағишланган лирик кўшиқлар, мусикий асбоблардан иборат.

Тожикларнинг мусикий санъатининг ривожланишида армия катта роль ўйнаган.

Харбийларнинг асосий мусикий асбоби бўлиб қозонсимон барабанлар саналган. Тарихда шундай бир ривоят борки, шунга кўра эрамининг 53-йили парфиялар (қадимги тожиклар) ўзларини доираларининг овозлари орқали хужум қилган рим аскарларини кўрқувга солишган экан. Улар ўзларини жанг олдида рухлантириш учун ўша тери билан қопланган, атрофларига мисдан ясалган шилдириклар қадалган доираларига бор кучи билан уриб, баланд товушлар чиқаришган экан.

Тожикларнинг мусикий маданиятида дoston айтиш асосий ўринни эгаллаган. Дoston айтувчиларни халқ орасида «Гўрўелихон» дейишган. Ҳикмат Ризо, Ҳақназар Кобуд, Бобоюнус Худойдодзода, Курбонали Ражаб кабилар халқ орасида машҳур дoston айтувчилар бўлишган.

Профессинал мусикий ижод европаликларнинг мусикий маданияти асосида ривожланган. Ҳозирги кунда Тожикистонда мусиқанинг янги жанрлари ривожланмоқда. Улар опера, симфония, оратория, кантата, балет, чолгу асбоблари концерти ва бошқалар.

Ҳозирги кунда мусиқа мактаблари, консерваториялар, махсус билим юртлири, янги концерт заллари барпо этилмоқда.

? Савол ва топшириқлар:

1. Тожик халқ мусиқаси ҳақида қисқача айтиб беринг.
2. Қадимги тожик халқининг аскарлари орасида қандай асбоб кенг қўлланилган?
3. Тожик халқ куй-кўшиқларни биласизми? Бу элнинг қандай мусикий асбоблари бор?

Муסיкий луғат:

Маросим кўшиқлари – (мавсумларда тўйларда ва аъзаларда ижро этилувчи) халқ байрамларида ва тўй маросимларида ижро этилади.

- Бу қизик!

Тожик халқининг миллий муסיкий торли асбобларига рубоб, танбур, торли ғижжак; чертма асбоблари – дутор, дўмбира; пуфлама асбоблари – най, карнай, сурнай, кўшнайн; зарбли асбобларига – таблак, ноғора, доира; Помирда – сетор, панчтор, даф, тутик кабилардан фойдаланишади.



ЁШ АСКАРЛАР ҚЎШИГИ

С. Барноев шеъри

С. Жалил мусикаси

Марш суръатида

Биз-лар бо - тир ёш жанг-чи си - нов-лар - да чи - ник - кан.
Си - нов-лар - да чи-ник-кан. У - чув-чи-миз ҳам танк-чи Машқ-лар-да го-
либ чик - кан. Ол - га - бу биз - нинг ши - ор, саф - да ту - ра
миз-да-дил Ти-зи-либ тур - на-ка - тор, ка - дам таш-лай- миз да-дил.

Дўстга фидо жонимиз,
Очиқ дастурхонимиз.
Ўзимиздай мустаҳкам
Эътиқод, имонимиз.

Нақарот:

Тобланамиз ёз-у киш,
Кўриб кўйинг меҳмонла
Ҳар биримиз Алпомиш,
Биз бўлажак посбонлар.

Муסיқа саводи:

Альтерация белгилари

Альтерация белгилари – диез, бемоль, бекар деб аталади.

Диез – \sharp – товушни ярим тонга ($1/2t$) юқорилатувчи белги.

Бемоль – \flat – товушни ярим тонга ($1/t$) пастлатувчи белги.

Бекар – \natural – диез ва бемоль белгиларини ёйиш билан аввалги ҳолига келтирувчи белги.

Калитда турган диез ва бемоллар альтерациянинг асосий белгилари дейилади ва бутун асар давомида сақланиб туради:



Нота олдида турган диез ва бемоллар альтерациянинг тасодифий белгилари дейилади ва фақат битта такт давомида сақланиб туради:



ЎЗБЕКИСТОН

Узоқ-узоқлардан карнайнинг чўзиқ овози эшитилади. Бу маҳаллада никоҳ тўйи маросими бошланганини билдиради. «Хай-хай ўлан» кўшиғи билан аёллар қизни куёв бола уйига узатишади.

Азалдан кўшиқ ва мусиқа ўзбек халқи урф-одати, маъракаларига сайқал бериб келмоқда.

Янги туғилган чақалокларни бешикка белашда она «Алла» кўшиғини куйлайди. Болага кинна кирса ёки кўз тегса «Бадик» кўшиғини айтишади.

Бир қанча ўзбек хонадонларида авлоддан-авлодга мерос бўлиб келаётган кўшиқлар куйланиб келинмоқда.

Хозирги вақтгача деҳқончилик ишларини бошлашда «Кўш хайдаш», ҳосилни йиғиштириш жараёнида эса, «Облў барака» кўшиқлари ижро этилади. Кўклам фаслида «Наврўз», «Наврўз айёми», «Наврўз муборак» кўшиқлари хор билан ижро этилади. Қишда биринчи қорни «Қор келди» кўшиғини куйлаш билан кутиб олганлар. Кўпгина кўшиқлар рақс жўрлигида ижро этилади. Кўшиқ ва рақс ўзбек халқи орасида кенг тарқалган.

Шарқ халқларига таалуқли бўлган халқ оғзаки ижодининг икки тармоғи бор. Уларнинг бири халқ ижодиётидаги мақом санъати, иккинчиси ўзбек кўшиқчилилик жанридаги терма, кўшиқ, лапар, ялла, ашула. Ўзбек халқ мусиқаси азалдан бери ривожланиб ўсиб келди. Турли хил жанрдаги мусиқий асарлар оғиздан-оғизга ўтиб, мусиқачилар юқори даражада ижрочилик санъати билан халққа танилган.

Ўзбек халқ мусиқий маданиятида оғзаки мусиқий-поэтик асарлар ҳам ривожланган. Айниқса, дoston ижрочилигида «Гўрўгли», «Алпомиш» туркумидаги дostonлар халқ орасида кенг тарқалган.

Ўзбекистоннинг касбий маданиятининг ривожланиши XX асрнинг бошига тўғри келади. Касбий мусиқа Европа мусиқий маданияти асосида шаклланган. Симфония, опера, балет, сюита каби янги жанрлар ҳам ривожланган. Атоқли ўзбек бастакорлари: Толиб Содиков, Икром Акбаров ва бошқалар ўз ижодлари билан танилганлар.

? Савол ва топшириқлар:

1. Ўзбек халқи ҳаётида мусиқа қандай ўрин эгаллаган?
2. Ўзбек халқининг қандай кўшиқларини биласиз?
3. Кўбиз ва рубобнинг ўхшаш ва фарқи томонларини айтинг.

Мусикий луғат:

Достон – лирик қаҳрамон қиёфасидаги эпик асар.

Карнай – ўзбек халқининг қадимий мусикий асбобларидан бири. Ўрта асрларда ҳарбий соҳада жангга чорлаш мақсадида фойдаланилган. Бу пуфлама чолғу асбобининг узунлиги уч метр-гача келади. Унинг цилиндрсимон асоси латун ёки мисдан яса-лади. У пуфлаб чалинадиган найча ва очилиб ёпилиб турувчи тешикча (клапан)дан иборат.

• Бу қизик!

Ўзбек халқининг профессионал мусиқа санъати эрамизгача бўлган биринчи минг йилликда шаклланган. Мусиқачилар улкан маҳоратга эга бўлган. Ўзбек профессионал мусиқасининг ҳар хил жанрлари оғиздан-оғизга ўтиб келган.

Иқтидорли мусиқачилар артистлик устахонасини очишган. Бу устахонага моҳир мусиқачи раҳбарлик қилган. Ёш ўсмирлар малакали мусиқачи бўлиб етишиши учун ушбу устахонада ўн йил ўқиб ўрганиш керак бўлган. Бир қанча асарларни ёд олиб, қатъий имтиҳонлар топширганлар. Бу устахонадан етишиб чиққан мусиқачилар донғи бутун Буюк Ипак йўли давлатларигача етиб борган.

Таниқли ўзбек бастакорлари.

Толиб Содиков иқтидорли созандадардан бўлиб, у таибур, дутор ва найларда куйлар ижро этилган. Икром Акбаров ўзбек халқ кўшиқлари асосида сюита ёзган.

У. Мусаев эса массагетлар ва форслар ўртасидаги жангни акс эттирувчи «Тўмарис» балетини ёзган.

ОНАЖОНИМ

Нурбек шеъри

С. Абрамова мусикаси

Тезроқ



Кизик-кизик, эртақ айтиб,
Сўзлаб мулойим.
Катта килди оқ сут бериб,
Эркалаб доим.

Тотли овқат тайёрлайди,
корним очикса.
Мунчалар ҳам менга ғамхўр
Муҳаббати зўр.

Нақарот:

Онажон, меҳрибонгинам
Онажон, онажонгинам.

ХИТОЙ

Хитой ой календариди февраль ойи муҳим ҳисобланади. Табиат уйғона бошлагач, халқ байрамлари бошланади. Бу байрамлар кўшиқ ва анъанавий куйларсиз ўтмайди.

Хитой мусиқаси бир неча минг йилликлар муқаддам ривожланган. Хитой халқ мусиқасининг шаклланишида Марказий, Шарқий ва Жанубий Осиё халқларининг мусиқий анъаналари ўз таъсирини кўрсатган. Уйғур, тибет, мўғул халқларининг элементлари Хитой мусиқасида акс этади.

Хитой халқ мусиқаси асосан тўй ва аъзаларда куйланган. Одатда, бу тадбирларда Гобой-Сону ва Чуйгушоу-зарбли асбобларида куйлар чалинган. Қадимий Хитойда машхур ансамбллар таркибида шэн сон, флейта ва зарбли ганг-юнло каби чолғу асбоблари иштирок этган. Хитой халқи мусиқага жиддий ёндашган. Давлатни бошқаришда ва инсонни тарбиялаш учун Хитой халқи мусиқа ёрдамида фойдаланганлар. Хитойда бир қанча мусиқа асбобларига мурожаат қиладилар. Улардан бири ўзига хос Хитой пуфлама органи – шэндир.

Шэн мусиқа асбоби Чжоу сулоласида оммалашган. Бундан кўча кўшиқчи ва раққослари кенг фойдаланишган. Кейинчалик оддий халқ орасидан кенг қўлланилиб концерт ва ярмаркаларда, турли халқ тадбирларида шэндан куйлар ижро этишган. Шэн уч асосий қисмдан тузилган: талча, асос ва I дан иборат бўлиб, «юнцизи» деб аталган. Дастлаб шэн ошқовоқ ўсимлигидан кейинчалик ёғочдан, сўнгра металл буюмларидан ясалган.



? Савол ва топшириқлар:

1. Хитой халқи нима учун мусиқий санъатни юқори баҳолаб келган?
2. Қирғизистондаги қайси халқ байрамларини биласиз?
3. Қайси мусиқий асбобнинг овози шэн деворига ўхшайди?

Хитой мусиқий асбоблари

Хитой мусиқий маданияти – бир неча асрлар бўйи шаклланиб келган. Хитой мусиқаси Марказий ва Шарқий Осиё халқларининг маданияти: уйғур, тибет, мўғул халқларининг маданияти таъсири асосида пайдо бўлган. Хитой халқи мусиқага алоҳида эътибор қаратади. Байрамларда кўшиқлар, рақслар, миллий асарлар ижро этилади. Баъзи вақтларда кўшиқлардан кейин, чуқгушоу каби пуфлама асбоблар чалинган. Қадимги Хитойнинг мусиқий асбоблари ҳар хил материаллардан ясалган. Торли асбобларнинг (цитра) тори ипақдан, пуфлама асбоблар бамбукдан, лойдан – сюнъ, зарбли асбоб – фау, ошқовокдан – уимбал, чонг каби зарбли асбоблар ясалган. Ҳар бир асбоб йил фаслларига мослаб ясалган. Масалан: қиш фаслида зарбли асбоблар, баҳор фаслида бамбук дарахтидаги, куз фаслида эса асбоблар темирдан яшашган.

Ҳар бир чолғу асбоби табиатдаги унсурларга қиёсланган. Масалан: кўғирчоқ ва гонг – ерга, тошли асбоблар – сувга, пуфлама асбоблар – самога қиёсланган. Гушунда куй ижро этиш Хитой маданиятини ютуғи ҳисобланади. Булар Хитой халқининг тарихи, маданияти, одоб-ахлоқи, руҳиятидан хабар беради.



? Савол ва топшириклар:

1. Қадимий Хитой мусикий асбоблари қандай материаллардан ясалган?
2. Қирғиз халқ мусикий асбоблари нимадан ясалганини эсланг.

• Бу қизик!

Қадимий Хитой мусикасида кўнғироқнинг аҳамияти катта бўлиб, концертлар бошланишдан аввал чалиниб, барча ижрочиларга бўёқ бериб турган. Қадимий Хитой оркестрида 12 дан ортиқ ҳар хил ўлчамдаги кўнғироқлардан фойдаланганлар. Бу кўнғироқлар улкан болғалар орқали чалинган.

Кейинги даврларда кўнғироқлар сони оркестрларда кескин қисқарган. Бир айри тахтага иккитадангина кўнғироқлар осилдиган бўлди.

Гуцинь ҳақида эртақ

«Баҳор ва куз ойларида Юй Бой исмли мусиқачи яшаган. Қунакларнинг бирида у дарё бўйида гуцин чалиб ўтирар эди. Мусиқа овозига ўрмон кесувчи Чжун Цзин ўрганиб қолди. Баланд мўъжизакор овозни тинглагач, ўрмон кесувчи «Бу овоз баланд тоғлардан буюк» деди. Мусиқа овози майин ва эркин куйланганда, «Бу овоз дарёнинг майин тўлқинларини эслатмоқда» деди. Юй Бой ўрмон кесувчининг берган баҳосидан жуда шодланиб кетди. Шу вақтгача унинг мусикасини ҳеч ким тушунмас эди. Улар дўстлашиб, келгуси йил куз ойида бўладиган байрамда учрашишини ваъда қилишди.

Ваъда қилинган пайтда улар учраша олмади. Сабаби, ўрмон кесувчи оғир касалликдан сўнг вафот этган эди. Каттиқ қайғудан таъсирланган Юй Бой дўстининг қабри устида шундай куй қалдики, натижада гуцинь синиб кетди. Аламдан у «Менинг мусикамни тушунадиган биргина дўстим оламдан ўтди, энди ким учун куй ижро этаман?», – деди. Шу пайтгача Юй Бой гуцинни кўлига олмай куйди. Бундан мусиқачи ва ўрмончи мусиқа орқали дўст бўлганлиги баён қилинган.

? Савол ва топшириклар:

1. Гуцин эртагида нима ҳақида ҳикоя қилинади?
2. Нима учун мусиқачи Юй Бой ва ўрмон кесувчи Чжун Цзици дўстлашди?
3. Қандай мусиқа асбоблари ҳақидаги эртақларни биласиз?

Мусиқий лугат:

Гуцинь – энг қадимий ва энг «соф» Хитой халқининг мусиқий асбоби саналади. Унинг 5, 7, 9, 12 ва 20 торлари бор. Улар ичида етти торлиги кенг қўлланилгани учун гуцинь номи берилган (етти торли мусиқий асбоб деган маънога эга). Гуциннинг асоси ёғочдан, торлари эса ипакдан ясалган. Орқа томонида икки тешикчаси бўлиб, у гуцинь овозини кенг, қиска ва узок давомийлигини таъминлаб беради. Гуцинь зиёлилар ва мансабдорларнинг севимли мусиқий асбоби ҳисобланган.



МЕН ҒУНЧАМАН

Н. Нарзуллаев шеъри

Х. Раҳимов мусикаси

§ Куйман



Мен ғун-ча-ман, ба-хор бўл-гим ке-ла - ди, Мен шаб-нам-ман,
на-хор бўл-гим ке-ла - ди. Мен зар - ра - ман, о - лам бўл-гим
ке - ла - ди. Мен бо - ла - ман, о - дам бўл-гим ке - ла - ди.
Юрт-лар куп-дир бир-би-ри-дан зи - е - да, Ўз - бе - кис - тон
гў - зал ди - ёр дуи - ё - да, Хур ўл - кам-да бахт-ли я - шан
ти - ла - гим, ис-тиқ - дол - ни кут-лар жаж-жи ю - ра - гим

Мен – жилғаман, уммон бўлгим келади,
Мен – ёғдуман, чўлпон бўлгим келади.
Мен – учкунман, бўлгим келар аланга,
Фарзанд бўлиб ярай азиз Ватанга!

Нақарот:

ТУРКМАНИСТОН

Инсон табиат кўйнида ёлғиз қолиб кўшиқ куйлайди. Жозибали кўшиқ инсон кайфиятини кўтаради.

Туркман мусикий маданияти қадимий тарихга бориб тақалади. Ер ости қазилмаларидан топилган ҳайвон шохидан ясалган идишлар сиртида турли хил мусиқа асбобларини чалаётган одамлар тасвирланган.

XI–XII асрларда Туркменистон пойтахти Шарк маданияти маркази бўлган. Турли ўлкалардан мусикачилар бу ерга келиб ижрочилик маҳоратларини ўрганиб кайтишган.

Халқ байрамларида ўтказилган мусобақаларда қатнашганлар

Туркман халқ мусикаси турли жанрлар ва халқ кўшиқларига жуда бой. Уларда урф-одатлар, анъаналар, табиат ҳодисалари ва маиший турмуш тарзи ифодаланган.

Халқ кўшиқчилари-бахшилар тўй-маъракалар ва халқ байрамларининг фаол иштирокчиси бўлишган. Уларнинг иштирокисиз бирорта тадбир ўтказилмаган. Бахшилар ижоди халқ орасида юқори баҳоланган.

Туркманлар орасида «Айдим» халқ кўшиғи жуда машҳур. Унда маиший ҳаётнинг ҳамма қирралари қамраб олинган. Қадимий туркман маросимлари орасида «Суйт Газан» маросими алоҳида ўрин эгаллайди. Бу ёмғир чакриш кўшиғи бўлиб, кўшиқ матни йиллар



давомида ўзгариб турган. Ҳозирги вақтда «Суйт Газан» болалар ўйин кўшиги сифатида қуйланади.

Наврўз байрами арафасида сумалаклар тайёрланиб, турли кўшиқлар қуйланган. Наврўз кунлари қизлар орасида «Мунчок отди» фол очиш тадбири ўтказилган. Қизлар бир хонага тўпланиб, пиёлага сув қуйиб мунчок солишган. Қизлар навбат билан мунчокни идишдан олиб тилак билдиришган. Шу пайт уларнинг тақдири аниқланган.

? Савол ва топшириқлар:

1. Бахшилар ким бўлган?
2. Қирғиз халқининг қандай урф-одатларини биласиз?
3. Дафтарингизга қирғиз ва туркман халқ урф-одатларининг ўхшаш ва фарқли томонларини ёзинг.

Муסיкий лугат:

Бахши – чолғу асбоблари ёрдамида туркман халқ кўшиқларини қуйловчи кўшиқчи. Ижодий маҳорат авлоддан-авлодга берилган. Таникли туркман бахшиларидан ўтмишда Мулла, Нафас, Пури ўғли яшаганлар.

Тоғмамад Суханкулиев кўп халқ дostonлари лиро-эпик асарларни ёддан билган.

• Бу қизик!

Рамазон ойи бошида «Ё, рамазон» кўшиқлари болалар ва ўсмирлар томонидан қуйланган. Улар уйма-уй юриб, уй эгаларига яхши ниятлар ифодаланган кўшиқ қуйлашган.

Туркменистон мусикий асбоблари

Туркман халқи мусикий маданияти тарихида 72 хил мусиқа асбоби мавжуд бўлган. Уларнинг кўпчилиги ҳозирги кунда ҳам қўлланилмоқда. Баъзилари эса ўтмишда йўқ бўлиб кетган. Чолғу асбобларининг кўпчилиги ҳар хил ёғочлардан ясалган. Бошқа халқлардан фаркли равишда туркман халқи мусикасида зарбли асбоблар йўқ.

Сурнай ёнғок, ўрик каби қаттиқ ёғочлардан ясалади. Унинг ўзига хослиги овоз чиқариш учун тешикчалари бўлади. Сурнайдан Европа пуфлама асбоби побой келиб чиққан. Туркман шоирлари сурнайга атаб шеърлар ёзган. Байрамали шаҳри яқинда олиб борилган қазилма жараёнида сурнай топилган. У 100–150 йил ер остида ётса-да, ҳеч қандай ўзгаришга учрамаган. Уни ҳозир ҳам чалиш мумкин.

Гарги туйдук асбоби бизнинг эрамизгача маълум бўлган, у камшидан ясалиб, 5–6 бўлақлардан иборат бўлган. У турли хил ўлчамларда кесилган пуфлама асбобдир.

Най – ўрик ёки ёнғок дарахтларидан ясалган. Унинг гарги туйдукдан фарқи бир томони ёпиқ бўлган. Маълум тешикчалари куй ижросини таъминлайди.

Танбур – узун асосга эга бўлиб, кичик бошчали дуторга ўхшаш асбоб. У тут, ўрик, ёнғок дарахтларидан ясалган. Учта тури бўлиб, медиатор оркали чалинади.

? Савол ва топшириқлар:

1. Туркменистон мусикий асбоблари қандай ёғочдан ясалган?
2. Туркменистон мусикий маданиятида нечта асбоб фойдаланилган? Уларни сананг.
3. Дафтارينгизга ўзингиз билган қирғиз халқ асбобларининг номини ёзинг ва у нималардан ясалади?

Мусиқий луғат:

Киришкакар – медиатор, кумуш ёки бошқа металлдан ясалиб, кўрсаткич бармоққа тақилади. Бу туркман халқ торли асбобларини чалишда қўлланилади.

- Бу қизик!

Най хақида афсона

«Муҳаммад (с.а.в) пайғамбар Арши аълода Оллоҳ билан учрашиб қайтгач, ўз таассуротларини Алига айтиб беради. Аммо Оллоҳ билан кўришгани хақида сўз очмайди. Оллоҳ томонидан сахрога бориб, ташландик қудукни топ. Унга ўз сирингни айт деган овоз келади. Муҳаммад (с.а.в) шундай йўл тутгач, қудукдан қамиш ўсиб чиқади. Пода боқиб кетаётган чўпон қамишни кесиб, хуштак ясаб олади. Хуштакни чалса, илоҳий куй янграб кетади. Бу куйдан барча қушлар ва ёввойи ҳайвонлар, илонлар ҳайратда қолади.



НАВРҮЗ КЕЛДИ

Қ Хўжаев шъри

Л. Муждабоева мусикаси

8 Қувноқ

Ер - ни киз - дир - ди ку - еш, Боғ - лар - га кел - ди кўк - лам.
 Ма - хал - ла оч - ди чи - рой, Ат - роф гў - зал, тур - фа ранг. Нав -
 рўз кел - ди! Янг - рар кар - най, Бай - рам - га тез кел - синг - эй, Ё -
 зиб а - жиб дастур - хон, Ку - тар бу - гун Қир - ги - зис - тон
 тар бу - гун Қир - ги - зис - тон

Ерни киздирди қуёш,
 Боғларга келди кўклам.
 Маҳалла очди чирой,
 Атроф гўзал, турфа ранг.

Нахордан куй-қўшиқ-ла
 Совға-саломин сўзлар.
 Ёнгилинглар, болалар,
 Кутар масхарабозлар.

Нақарот:

Наврўз келди!
 Янграр карнай,
 Байрамга тез келинг - эй,
 Ёзиб ажиб дастурхон,
 Кутар бугун Қирғизистон.

Нақарот:

Оқсоқол мўйлов бураб,
 Қаранг, шодон кулади:
 – Хуш кўрдик, Наврўзим,
 Сен-ла шодлик келади.

Нақарот:

МУМТОЗ ЕВРОПА МУСИҚАСИ

XVII-асрда Европа халқлари орасида жуда кўп мусиқий жанрлар, шакл ва услублар пайдо бўлди. Улардан бири опера санъатидир. Бунда асосий эътибор мусиқа гўзаллиги ва ифодаланишига қаратилади. Яна ижрочиликка катта аҳамият берилади, Унда инсон ҳис-туйғулари бойлиги чиройли ифода этилади. Флоренция князлик саройидан Римга биринчи опера театри Венецияга келган. Италиялик бастакор Клаудио Монтеверди ижоди инсонларнинг мураккаб ва ҳақиқий характерини тасвирлай олган.

Францияда опера мактаби асосчиси Жан Батист Люллидир. У асосий эътиборни хор ва рақсга қаратди. Бастакор рақс ритмлари гавота ва менюэта ария таркибига кўшди.

Инглиз бастакори Генри Пёрселл мусиқаси халққа жуда яқин. У лирик мусиқанинг моҳир устаси эди.

1710-йилда Лондонга машҳур немис бастакори Георг Фридрих Гендель кўчиб келди. У Лондонда жуда кўп опералар саҳналаштирди. Улардан бири «Юлий Цезарь Мисрда» операсидир. Мазкур операда халқнинг озодлик йўлида қаҳрамонлик кўрсатгани куйланади. Генде ижоди нафақат Европада, балки бутун дунёга машҳур бўлган. Унинг ижоди Бетховен ва бошқа бастакорларга сезиларли таъсир кўрсатган.

? Савол ва топшириқлар:

1. XVII асрда Европада қайси жанр пайдо бўлди?
2. Европа опера мактаби асосчиси номини айттинг.
3. Польша нима, у қандай рақс тури ҳисобланади?

Мусиқий луғат:

Опера – итальянча «баён қилиш» деган маънони билдиради. Опера мусиқий саҳна асари бўлиб, барча артистлар ҳаракати мусиқа остида ижро этилади.

ПОЛЬКА

Чешская народная песня

Быстро, весело

Све - тит в не - бе сол - ныш - ко, сол - ныш - ко, зо - ло -
то - е до - ныш - ко, до - ныш - ко, шеп - чет ве - тер
об - лач - ку, об - лач - ку: "Ну - ка, спля - шем по - леч - ку,
по - леч - ку!" Тра - ля - ля - ля, Тра - ля -
ля - ля, ну - ка, спля - шем по - леч - ку, по - леч - ку!

Струны скрипки тонкие, тонкие,
звуки флейты звонкие, звонкие,
медь на трубах яркая, яркая,
пляска будет жаркая, жаркая.

Накаром: Тра-ля-ля-ля, тра-ля-ля-ля,
пляска будет жаркая, жаркая,
пляска будет жаркая, жаркая!

Руки сами хлопают, хлопают,
ноги сами топают, топают.
Дружат танец с песенкой, песенкой,
всем ребятам весело, весело.

Накаром: Тра-ля-ля-ля, тра-ля-ля-ля,
всем ребятам весело, весело,
всем ребятам весело, весело.

ГОНЗА ВА СКРИПКА

(эртак)

Қадим замонларда Чехия ўлкасида бир камбағал аёл Гонза исмли боласи билан яшаган экан. Улар жуда ночор яшаганлари боис, онаси Гонзани пул топиш учун ишлагани жўнатади. Онаси ўғли билан хайрлашиш олдидан унга нон тишлатиб уч танга беради.

Гонза йўл юриб шаҳарга яқинлашиб қолганда, ўрмон ёқасидан қари тиланчи чол овқат учун хайр-садақа сўради.

Гонза тиланчи чолга диққат билан тикилиб туриб,

– Мана, марҳамат, ола қол. Менда яна икки танга бор деди.

Йўлда кетаётиб бурилишда Гонза яна бир тиланчи чолга дуч келди. Гонза унга иккинчи тангасини бериб йўлида давом этди. Бир қанча қадам юрар-юрмас, яна бир тиланчи чиқиб қолди. Гонза унга охириги тангасини берди.



– Ҳа, йигитча, сен мени танимадингми? Мен бу уч марта сенадан садақа сўраган чолман. Бунинг эвазига сенинг учта тилагингни амалга ошираман.

– Ҳа, мен эшитишимча, ҳамёнда ҳеч қачон тангалар тугамасмиш. Айтишларича, шундай қурол бор эканки, доимо аниқ нишонга олар экан. Яна бир скрипка хоҳлардимки, унинг сеҳрли овозидан ҳеч ким рақсдан тўхтамаса Қария Гонзанинг тилакларини бажариб, кўздан ғойиб бўлди.

Гонза ҳамёнини очиб иккита тангани олса, ўрнида янгиси пайдо бўлди. У югуриб сой ёкалаб чошиб кетаётиб узоқдан ёввойи ўрдакнинг сузиб юрганини кўрди. Оддий қурол билан уни отиб бўлмайди. Қуролни олиб ўрдакни отмоқчи бўлганда, қандайдир овоз қулоғига чалинди:

– Эй подон, наҳотки сен шунча масофадан ўрдакни отмоқчи бўлсанг?

Гонза орқасига ўгирилиб, тегирмончини кўрди. Бу одам баҳил ва ёмон киши эди. Гонза ҳеч нарса демай тепкини босди.

Ўрдак яраланиб, қанотлари билан сувга шўнғиди.

– Меники, меники! – деди баҳил тегирмончи, ва бир зумда сувга ўзини олди.

Гонза скрипасини олиб унда куй чала бошлади. Тегирмончи сузишдан тўхтаб қолди.

– Эй, бўлди! Мен сенга юз тилла танга бераман, фақат мусиқани тўхтат

Гонза мусиқани тўхтатади.

Тегирмончи шаҳар қозисига бориб кўча безори боласи менинг олтинларимни ўғирлади деб арз қилди. Қози икки қоровулини Гонзани тутиб келиш учун жўнатди. Улар Гонзани ушлаб ёнидан юз тилла тангани олгач, уни қамаб қўйишди.

Бу шаҳарнинг одати бўйича, ўғрилар ҳеч қандай сўроқсиз дорга осилар экан. Гонзадан ҳамёнини, скрипаси ва милтигини тортиб олишиб, шаҳар марказидаги катта майдонга олиб боришди. Гонза қозидан охириги маротаба скрипкани чалишни илтимос қилди.

Унга скрипкани беришгач, у шундай куй ижро эттидики, майдонга йиғилганларнинг ҳаммаси ҳатто, бош қози ва унинг ёнидаги

аёнлари, тегирмончи ҳам рақсга туша кетди. Улар чарчашгач, Гонзадан куйни тўхтатишни сўради.

Олдин тегирмончи барча ҳақиқатни айтсин, – деди Гонза, – шунда тўхтайман.

Бахил тегирмончи бор ҳақиқатни айтишга мажбур бўлди.

Гонза уйига қайтди. Ҳозиргача онаси иккиси унинг ҳамёнидан ҳеч қачон танга тугамасмиш, овни мўлжалсиз нишонга олар эмиш Гонза серипкада эса одамлар рақсга тушишни хоҳлаганда куй ижро этар экан.

? Савол ва топшириқлар:

1. Қария нима учун Гонзага скрипка, ҳамён ва қурол берди?
2. Гонза хасис тегирмончига қандай иш тутди?
3. У қозининг одил ҳукм чиқариши учун қандай тadbир қўллади?

ЧОЛҒУ МУСИҚАСИ

Европада орган, клавесин, скрипка, фортепиано (рояль) каби мусикий асбоблар пайдо бўлди. Улар орасидан орган кенг тарқалган. У барча асбобларнинг подшохи деб аталган. Черков хизматида, ҳар хил концертларда органдан кенг фойдаланилган. Кейин клавесин мусикий асбоби яратилди. Бу асбобнинг овози жуда ёқимли ва енгил. Органнинг овози клавесинга қараганда жуда кучли. Орган ва клавесин асбоблари учун Ф. Гендель ва И. С. Бахлар кўп асарлар ёзишган.

Ўша вақтларда Италияда скрипка кенг тарқалган. Скрипка учун асарларни Антонио Вивальди, Николла Паганини каби машҳур бастакорлар ёзишган.

Немис ва Австрия князликлари саройларида чолғу ансамбллари ва оркестрлар тузилган. Уларни капелл деб номланган. Капелл етакчисини – капельмейстер дейишган. Капельмейстерлар мусиқани князларнинг базмлари учун яратишган.

Кейинроқ «Симфония» номли янги жанр пайдо бўлди. Симфония мусиқасини ёзиш учун бастакорлар халқ куй-қўшиқларининг, рақсларнинг мавзуларидан кўп фойдаланганлар. Ўша пайтда Гайдн, Моцарт, Бетховен каби бастакорлар ижод қилганлар.

Австрия пойтахти Вена шаҳрида ҳар хил миллат мусиқалари тингланган. Масалан, немис, чех, венгер, серб, хорват қўшиқлари кенг тарқалган. Вена шаҳри мумтоз симфония мусиқасининг бешиги дейлиб, унда соната, концерт, квартет каби чолғу асарлари ҳам кенг оммалашган.

Веналик машҳур бастакорлар В. Моцарт, Й. Гайдн, Л. Бетховеннинг асарлари ўзига хос усулда бўлган. Бу усул «Мумтоз» усул деб номланган.

Буюк Франция революцияси мусиқа санъатига улкан таъсир этган.



У пайтдаги оддий, саводсиз эл театрларга кўп боришган. Уларга комедияли опералар жуда ёққан. Бу операларнинг қаҳрамонлари орқали оддий, ақлли кишиларнинг характери ёритилган.



? Савол ва топшириқлар:


1. Қайси мусиқий асбоблар Европада кенг тарқалган?
2. Мумтоз мусиқанинг маркази қайси шаҳар?
3. Барча асбобларнинг «подшоҳи» деб қайси асбоб аталган?

ПИАНИНО

М. Зайниддинова шеъри

Ж. Нажмиддинов мусикаси

Шошилмай



До ре ми фа соль ля си, мак-таб пи - а - ни - но - си.



Кла - ви - ши оқ ко - ра ха - ва - синг ке - лар, қа - ра

Опам чалса ҳар куйга,
Ҳамма тушар ўйинга.
Янглишсак, қарсак уриб,
Ўргатар аста юриб.

Бир, икки, уч ўнг оёқ,
Оҳанга солинг қулоқ.
Янғроқ куйга жўр бўлиб,
Қўшиқ айтамыз қувноқ.

Ватанимиз – онамиз,
Жондан азиз кўрамиз.
Гўзал она – Ватаннинг,
Чин фарзанди бўламиз.

АФРИКА МУСИҚАСИ

*Занзибарда барабанларда ўйнаганда,
бутун Африка эли Улуг кўлгача рақсга тушади.*

Қадимий Суахили маталидан

Африка халқларининг қабилаларидан бирида дастлаб барабанга ўйнаган одам мерганчи, темир уста бўлгани айтилади. Барабанда ўйнаган одам Африкада кадрли бўлган. У ўз қабиласида бошқа иш билан машғул бўлмаган. Агар у бу вазифасини тўлик бажара олмаса, кулоғидан ажралган.

Африкаликлар кўлида барабанлар сўзлаб, бутун минтақага хабар етказишган. Янгилликларни беш барабан жўрлигида билдирганлар. Европа миссионерлари барабанларнинг сўзлаш овозлари орқали алоқаларини «Ўрмон телеграфи» дея аташган.



Африка худудида икки мингдан зиёд маҳаллий халқларнинг тили бўлган. Шу билан бирга барабанларнинг ҳам кўп турли тили бўлган. Барабанчилар доим кўш барабанда ўйнашган. Уларнинг бири йўғон овозли, иккинчиси ингичка овозли бўлган.

Африканинг огбони халқида хабарларни ҳар қандай овоздаги бешта барабани чалиш орқали билдиришган. Барабанлар тилида ўзгача оҳанг сақланиб қолган. Бу оҳанглар Африка мусиқасининг асосини тузиб, «апама», «фуджи», «макосса», «мбалан» каби мусиқий услубларни яратган.

Африка мусиқасида оҳангдорлик устун бўлмай, унда кўшиқчининг ижро маҳоратига ҳам катта эътибор қаратилган. Ижрочи-кўшиқчилик XIX аср охирида пайдо бўлди. Эркаклар асосан конларда ишлаганлар. Улар оиласи, қариндошларига бўлган соғинчини куйлаш орқали ифодалашган.

Африка мусиқачилари кўлида асбоблар ўзига хос оҳанг таради. Гитарада африкаликлар каби дунёда ҳеч ким куй ижро эта олмайди. Африка мусиқаси ўзига хос характери билан ажралиб туради.



? Савол ва топшириқлар:

1. Африка халқлари бир-бирларига хабарларни қандай йўл орқали етказганлар?
2. Уларнинг асосий мусиқа асбоби қайси?
3. Африка мусиқий оҳанглари асосида қандай услублар пайдо бўлган?

Мусиқий лугат:

Оҳангдорлик – товушларнинг уйғунлиги, созланишда оҳангдорлик ҳар хил бўлади. У биринчи товушнинг ўрнига кўра боғлиқ бўлади. Масалан: мажор созланиш, минор созланиш.

Тоника – асосий товуш сираси, куй.

Лад – мусиқий овозларнинг ўзаро боғлиқлиги товушларнинг ўзаро ҳослигини таъминлайди. Лад мажор ва минор каби турларга бўлинади.

Мусиқа саводи:

Мажор ва минор

Мажор ва минор мусикаси кенг тарқалган ладлардан ҳисобланади. Мажорнинг характерли белгиси, бу I ва II поғонадаги овоз қаторлари оралиғидаги кичик терсиядан иборат. Бундай оралиқдаги овоз қаторлари мажор ладдаги асарларга очик бўёқ бериб, ёркин характер ҳосил қилади.

Минорнинг характерли белгиси эса I ва III поғонадаги овоз қаторларининг оралиғидаги кичик терсиядан иборатлигинидир. Бундай овоз қаторларининг оралиғи минор ладдаги асарларга элегияли бўёқ бериб, енгил, юмшоқ характер ҳосил қилади.

Ҳар бир мусиқий асарнинг характерига кўра ўзаро алоқалардаги овозларнинг қўшилиб келиши бўлади. Бу ҳолат мусикада «Лад» дейилади. Лад икки турли бўлиб, мажор ва минордан ташкил топади. Шўх, қувноқ характердаги мусиқа мажорда ёзилади. Ғамгин, мунгли характердаги мусиқа минорда ёзилади.

Мажор – равшан, ёркин, шўх, қувноқ.

Минор – ғамгин, мунгли, юмшоқ.

ЧУНГА-ЧАНГА

Слова Ю. Энтина

Музыка В. Шаинского

Быстро, весело

Чун - га - Чан - га - си - ний не - бо - свод, Чун - га - Чан - га -
ле - то круг - лый год Чун - га - Чан - га - ве - се - ло жи - вём, Чун - га -
Чан - га - пе - сен - ку по - ём! Чу - до - ост - ров, чу - до -
ост - ров, жит на нём лег - ко и про - сто, жит на нём лег - ко и про - сто, Чун - га -
Чан - га! На - ше сча - стье по - сто - ян - но, жуй ко - ко - сы, ешь ба -
на - ны, жуй ко - ко - сы, ешь ба - на - ны, Чун - га - Чан - га!

Чунга-Чанга — синий небосвод,
Чунга-Чанга — лето круглый год.
Чунга-Чанга — весело живём,
Чунга-Чанга — песенку поём!

Накарат: Чудо-остров, чудо-остров,
Жить на нём легко и просто,
Жить на нём легко и просто, Чунга-Чанга!
Наше счастье постоянно,
Жуй кокосы, ешь бананы,
Жуй кокосы, ешь бананы, Чунга-Чанга!

Чунга-Чанга — места лучше нет,
Чунга-Чанга — мы не знаем бед.
Чунга-Чанга — кто здесь прожил час,
Чунга-Чанга — не покинет нас!

ЛОТИН АМЕРИКАСИ МУСИҚАСИ

Лотин Америкаси мусиқаси Лотин Америкасида яшовчи халқлар мусиқаси ва мусиқий жанрларининг умумий номидир.

Бу ўлка халқлари ҳаётида мусиқа муҳим роль ўйнайди. Унинг асосини Испан (ёки Португал), Африка ва ҳинду мусиқа маданияти ташкил этади. Одатда Лотин Америкаси халқлари кўшиқлари испан, португал баъзан француз тилларида ижро этилади.

Лотин Америкаси мусиқасини ўзига хос томонлари бўлиб, уларни бир канча асосий бўлимларга бўлишимиз мумкин: Аргентина мусиқаси, Мексика мусиқаси, Бразилия мусиқаси, Анд мусиқаси, Марказий Америка мусиқаси, Кариб мусиқаси.

Лотин Америкаси оммалашган замонавий мусиқа жанрларидан иборат. Самбо, меренге, сальса оҳанглари тингловчини бефарқ қолдирмайди, рақсга чорлайди. Лотин Америкаси мусиқачилари Марк Энтони, Сесилия Круслар бутун дунёга танилган.



? Савол ва топшириқлар:

1. Қайси Лотин Америкаси рақсларини биласиз?
2. Лотин Америкаси мусиқаси жанрларини санаб беринг.



РОБЕРТИНО ЛОРЕТТИ

Робертино Лоретти 1948-йил 22-сентябрда Рим шаҳрида дунёга келган. Онаси Часира хонимнинг айтишича, у уч ёшиданок турли кўшиқларни куйлай бошлаган. Кўшиқни бир мартаба тинглаб, ўша заҳоти ёдлаб олиш қобилиятига эга бўлган. У мусикий мактабларда таълим олмаган. Олти ёшидан черков хорида солистлик қилган. Черковда у дастлабки мусикий билим олган. Ёш хонанда ноёб овоз эгаси бўлгани учун, уни Рим опера театрига хорда куйлашга таклиф қилишган. Италиянинг баъзи хор жамоаларида болалар учун бўлимлар ташкил қилинган. Бу бўлимда Робертино сингари овоз эгалари куйлай олганлар. Бундай овозни «Оқ овоз» деб аташган.

Робертино матбуот кунига бағишланган бир тadbирда иштирок этиб, «Кумуш белги» номли дастлабки соврин эгаси бўлди. У ҳар хил танловларда иштирок этиб, доимо биринчиликни эгаллаган. Ўн уч ёшида Робертино 1960-йил Римда ўтказилган халқаро олимпиадада қатнашган. Лоретти бир қанча давлатларда ўзининг талантини намойиш этди. У халқ орасида жуда машҳур эди.

Балоғат ёшида унинг овози ўзгариб қолади. Робертинонинг янги овози болалик чоғидаги овозидан кескин фарқ қилган. У ҳозирги кунда ҳам куйламоқда. Унинг репертуарида мумтоз ариялар, неополитан кўшиқлари бор.

У ўзи ҳам кўшиқлар ёзади.

БЕЛЛА ЧАО!

(Песня итальянских партизан)

Подвижно, мужественно

Русский текст А. Горохова

Про-щай, Лю-чи-я, гру-стить не
на-до о бел-ла чао, бел-ла чао, бел-ла
чао, чао, чао! Я на рас-све-те уй-ду с от-
ря-дом га-ри-баль-дий-ских пар-ти-
зан! Я на рас-// зан! 2. От-ряд у-// ца!

Отряд укроют родные горы,
О беле чао, бела чао,
бела чао, бела чао!
Прощай, родная, вернусь не скоро,
Нелегко путь у партизан.

И ждут фашистов в горах засады,
О беле чао, бела чао,
бела чао, бела чао!
Здесь будут биться со мною рядом
Мои друзья из разных стран.

Нам будет трудно, я это знаю,
О беле чао, бела чао,
бела чао, бела чао!
Но за свободу родного края
Мы будем драться до конца!

• Бу қизик:

Италиялик партизанларнинг «Белла Чао!» номли кўшиғини таниқли хонанда Муслим Магомаев рус ва итальян тилларида куйлаган. 1999-йили Гарик Сукачев бу кўшиқ таъсирида «Песня вольного стрелка» номли кўшиғини яратади. У ўз кўшиғига «Белла Чао» кўшиғининг нақоратини қўшган.



? Савол ва топшириқлар:

1. Робертино Лореттининг болаликдаги овози қандай аталган?
2. У нима учун бошқа ўлкаларга гастролларга бормай кўйди?
3. Р. Лоретти ижросидаги қайси кўшиқларни биласиз?
4. «Белла Чао» кўшиғи ҳақида гапиринг.
5. «Белла Чао» кўшиғини ким куйлаган?

ЯПОН МУСИҚАСИ

Япон халқининг мумтоз мусиқаси икки хил бўлади. У будда хонандаси – сёмё ва Оқ саройдаги оркестр мусиқа – гагаку деб номланади. Гагану мусиқасини императорнинг оқ саройида ижро этишган.

Гагану чолғу мусиқаси – канган ва ракс мусиқаси – бугану лаби иккига бўлинади.

Японларнинг мусиқаси жуда енгил, нозик характерлидир. Японияда ер излаб юрувчи кўшикчилар кўп бўлган. Халқ орасида кенг тарқалган. «Таир уйи ҳақида қисса» эртагидир. Бу қисса оғзаки айтилган «Монсо» деб номланган ер кидирувчи дарвешлар диний кўшикларни куйлашган. Барча халқ бу кўшиклар оилага бахт келтиради деб ҳисоблашган.

Ҳозирги вақтдаги мусиқачилар ҳам халқ мусиқасини севиб тинглайдилар. Халқ мусиқасини улар синтезатор орқали ижро этадилар. Кўшик матнларини Япон эртаклари ва афсоналаридан фойдаланганлар. «Кагура» ракси япон халқида кенг қўлланилади.

Япон халқининг торли чертма асбобларидан бири – кото. Бу асбобни чалишда ижрочи ўнг қўлининг бармоқларига тирноқчалар (ме-



диатор) тақиб олади. Кото асбобида куй ижро этиш япон халқининг анъанавий чолғу ижрочилик санъатидан бири бўлиб, омма орасида кенг тарқалган. Императорнинг Оқ саройида копбунесе чалинган. Кото чолғу асбоби бугунги кунда кенг тарқалган бўлиб, бугунги япон замонавий мусиқасининг ривожига ёрдам берди.

Японларнинг бива (торли чолғу асбоби), тайко (зарбли асбоб), сякухаше (пуфлама асбоб) сямисэн (уч торли чертма асбоб) номли мусиқий асбоблар халқ орасида кенг тарқалган. Бива чолғу асбобида сайёҳ мусиқа ижрочилар ўйнаган. Уларни бива хоси деб аташган.



? Савол ва топшириқлар:

1. Япон халқининг мусиқаси ҳақида айтиб беринг.
2. Японларнинг қандай мусиқий асбоблари бор?
3. Дарвеш сайёҳ мусиқачилар қандай номланган?

ВИШНЯ

Японская народная песня

Нежно

Всю - ду виш - ня в цве-ту! И ку-да не ки-неш взгляд,
под ве-сен-ним не-бом сад. Бродит ве-тер по не-му, Слов-но в ро-зовом ды-му. Э - то виш - ня в цве-ту! Э - то виш - ня в цве-ту!

Всюду вишня в цвету,
и куда не кинешь взгляд,
под весенним небом сад.
Бродит ветер по нему,
словно в розовом дыму...
Это вишня в цвету!
Это вишня в цвету!

Японская народная песня:

Сакура сакура
яёи но сора ва миватасу кагири
касуми ка кумо ка ниои дзо идзуру
идзая идзая минни юкан

ҲИНД ХАЛҚ МУСИҚАСИ

Ҳинд мусиқа худоси — Сарасвати. У барча ижодкор инсонларга куч беради. Ҳинд мусиқаси тингловчиларнинг кайфиятини кўтареди.

Ҳинд халқ мусиқаси бир қанча жанрларга эга. Улар: халқона, мумтоз, эстрада кабилардан иборат. Ҳинд мусиқасини дунёда тингламаган инсон йўқ. Асрлар оша мусиқа ижро этилиб халқининг кўнглига ёқиб келмоқда.

Бхангра — жонли рақс мусиқаси. Бу мусиқа ҳосил байрамларида ижро этилган. Вақтлар ўтгач, халқ орасида кенг тарқалган. Уни никоҳ тўйларида, янги йил байрамида ижро этишади.

Ҳинд мусиқаси ривожланиб, бутун дунё халқлари тингламоқда. Бу халқ мусиқаси ўзига хос жиҳатлари билан дунё халқлари мусиқасидан ажралиб туради.

Ҳинд мумтоз музикий асарлари асосан сантуре асбобида ижро этилади. Ҳинд халқ мусиқаси «баджан» деб аталади. Баджанлар хиндларнинг муқаддас ёзувларига бағишланган кўшиқлардан иборат. Бадний фильм яратиш бўйича Ҳиндистон дунёда биринчи ўринни эгаллайди. Ҳинд киносидаги кўшиқлар халқ орасида омалашиб бормоқда.





? Савол ва топшириклар:

1. Ҳинд мусикасининг худоси қандай номланади?
2. Халқ мусикаси номи нима?
3. Бхангра қандай мусиқа?


Қадрли дўстим

Мана сизлар билан дунё бўйлаб мусиқий саёҳатимиз ўз ниҳоясига етди. Сиз жуда кўп янги билимларга эга бўлдингиз. Жуда кўп халқларнинг мусиқий маданияти ва мусиқий чолғу асбоблари билан яқиндан танишдингиз. Уларнинг мусиқаларини тинглаб, кўшиқларини ўргандингиз.

Сизни янги мусиқий саёҳатлар кутмоқда. Кейинги ўқув йилида мусиқа, адабиёт ва тасвирий санъатнинг ўзаро чамбарчас боғлиқ эканлигини ўрганамиз. Бу боғлиқлик бир-бирларини тўлдириб, бойитиб боради.

Келгуси ўқув йилида кўришгунча, хайр!

КРОССВОРД



Бўйинга:

1. Япон халқ мусикий асбоби.
2. Мусикий спектаклда санъаткорларнинг ҳаракатлари мусиқага мос ижро этилади.
3. Қозоқ халқ мусикий асбоби.
4. Кичик гуруҳ ижрочилари учун вокаль ёки чолғу асари.
5. Турли хил мусиқа асбобларида ўйновчи катта мусиқачи ижрочилар жамоаси.
6. Буюк немис бастакори.
7. Қирғиз халқ зарбли мусикий асбоби.
8. Машҳур италян ёш кўшиқчиси.
9. Импровизатор санъатида қирғиз кичик эпоси.

КЎШИМЧА МАТЕРИАЛЛАР

ҚИРГИЗИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ ГИМНИ

Ж. Садиқов, Ш. Кулуев сўзи

Н. Давлесов, К. Молдобасанов мусикаси

Пешве

Ак мөңгүү - лүү ас - ка, зоо - лор -

Ф-но

та - лаа-лар, Э - ли - биз - дин жа - ны ме - нен ба - ра -

бар. Сан - сыз кы - лым А - ла - Тоо - сун Ме - кен-деп,

Сак - тап кел - ди биз - дин а - та - ба - ба - лар.

Ал - га - лай бер кыр - гыз эл, А - заг - тык-тын жо - лун-да.

Өр - күн-дөй бер, о - со-бер, өз таг - ды - рын ко - лун-

да. ко - лун - да.

Лактоо үчүн

fff

Байыртадан бүткөн мүнөз элиме,
 Досторуна даяр дилин берүүгө,
 Бул ынтымак эл бирдигин ширетип,
 Бейкуттукту берет кыргыз жерине.

Нақарат:

Аткарылып элдин үмүт-гилеги,
 Желбиреди эркиндиктин желеги,
 Бизге жеткен ата салтын, мурасын,
 Ыйык сактап, урпактарга берели.

Нақарат:

Боболарга муносиб бўлишни хоҳлайман

Ж. Боконбаев шеъри

А. Жээнбай мусиқаси

Урғача

Ээй! А - там Ма - нас сы - як - туу, эр бол - сом деп
ти - лей - мин. Душ - ман ке - чип ө - тал - бас, көл бол - сом деп
ти - лей - мин Эл - ге кыз - мат кыл - гын деп,
Э - нем ме - ни тө - рө - дүң Э - ре - зе - ге
мен же - тип, Тий - се э - кен ке - ре - гим ээй!

Алманбеттей айбаттуу,
Алгыр болсом жазбаган.
Баатыр болсом Чубактай,
Эч бир жоодон качпаган.

Нақарот:

Кыргын салсам душманга,
Семетейдей тайманбай.
Шумкар болуп качырсам,
Сейтек жоону сайгандай.

Нақарот:

Беш баҳо

Г. Мўмин шеъри

А. Муҳамедов мусикаси

Тезроқ

Музыкальная партитура в нотном стане с текстом песни. Музыка написана в тональности G major (два диэза) и метре 2/4. В начале песни есть пометка «Тезроқ». В конце песни есть пометки «12» и «13» над нотными знаками, а также «// - хо».

Бул-са-ким-нинг та-бе-ли-да бе-ши кўп. Хам-ма жой-да
у - нинг дўс-ти и - ши кўп. Бе - шо- дув - чи о - доб - ли хар
бо - ла- нинг бўш вак - ти йўк, Ў - ки- ши - ю и - ши кўп.
Беш ба - хо аъ - ло ба - хо бе - ба - хо тил-ло ба - хо Кўн-гил-лар-ни
шо - д эт-ган до - и - мо до - но ба - хо // - хо.

Баҳоларнинг гул ушлаган полвони,
Ҳар нарсага етар қувват, имкони.
Аълочилар қандай ошно бўлишган?
Бирор жойда борми ёки «беш» қони?

Нақарот:

«Бешнинг» қони қатор-қатор китобда,
Ширин сўзда, яхшиликда, одобда.
Даре чоғида берилган ҳар саволга,
Лўндагина тўғри-тўғри жавобда.

Нақарот:

Капалак

3. Днёр шъри

Ж. Бурхонов мусикаси

Тез



Хай, ка - па - лак, ка - па - лак, ка - нот - ла - ринг и - пак - дак.
мун - ча - шо - ши - бу - ча - сан тўх та, сўз - ла - йни ан - дак.
Мун - ча - шо - ши - бу - ча - сан тўх та, сўз - ла - йни ан - дак.

Бориб ушлай деганда,
Шошиб дарҳол учасан.
Доим туткич бермасдан,
Гулдан гулга кўчасан.
Доим туткич бермасдан,
Гулдан гулга кўчасан.

Учратаман ҳар куни
Сени гўзал боғчамда.
Эмиб гуллар шарбатин
Ўтирасан олчамда.

Мендан асло қочмагин,
Дўст биламан ўзимга.
Лип-лип этиб учишинг,
Оҳ, ёқади кўзимга.
Лип-лип этиб учишинг,
Оҳ, ёқади кўзимга.

Маме в день 8 марта!

Слова М. Ивенсон

Музыка Е. Тиличевой

Весело

Ma - моч - ка, ми - ла - я Ма - ма мо - я!
Пусть э - та пе - сен - ка бу - дет тво - я! Ля - ля - ля - ля!
ля - ля - ля - ля! Пусть э - та пе - сен - ка бу - дет тво - я!

Мамочка, милая мам моя!
Пусть эта песенка будет твоя!
Ля, ля, ля, ля! Ля, ля, ля, ля!
Пусть эта песенка будет твоя!

Это тебе мой подарок такой -
Спой эту песенку в месте со мной.
Ля, ля, ля, ля! Ля, ля, ля, ля!
Спой эту песенку в месте со мной!

Дўстлик

Т. Илҳомов шеъри

Ж. Нажмиддинов мусикаси

Тез

Биз - лар - нинг дўст- лик, ман-гу- бар - ка - рор.

Гул- ла бяш-най - ди, ми- со - ли ба - хор. // - хор.

Бизларнинг дўстлик,
Мангу барқарор,
Гулаб яшнайти,
Мисоли баҳор.

Бизларнинг дўстлик
Накадар кўркам.
Ундан чечаклар
Ранг олар ҳар дам.

Бизларнинг дўстлик
Эҳ, қандай порлок.
Қуёш ҳам унга,
Тан берар ҳар чок.

Кел, Нооруз!

Шандуу

Сөзү жана музыкасы М. Касейдики

Кел Ноо - ру - зум ке - ле - бер, жа - рык маа - най
жаз - да кел! Ку - чак жа - йып то - со - буз,
Ку - ба - ныч - туу а - йым кел! Ку - ба - ныч - туу а - йым кел!

Кел, Ноорзум келе бер,
Жарык маанай жазда кел!
Кучак жайып тособуз,
Кубанычтуу айм кел!
Кучак жайып тособуз,
Кубанычтуу айым кел!

Жыл айланып күтөбүз,
Жышааналуу айым кел!
Жалпы элге каалаган,
Жаш тилегин ала кел!
Жалпы элге каалаган,
Жаш тилегин ала кел!

Бакыт, таалай каалайбыз,
Бакубат күн бере бер!
Толкунданып тособуз,
Токтолбостон келе бер!
Толкунданып тособуз,
Токтолбостон келе бер!

МУНДАРИЖА

1-сентябрь – билимлар кун	6
Салом мактаб	7
◆ Менинг халким мусикаси	8
Халқ кўшикчилиги ижоди	8
Беш иргай	9
Муса Баётов	10
Катта дoston «Манас»	13
Какку	15
Сағинбой Орозбеков	16
Кичик дoston	17
Қаракул бўтам	19
Чолғу асбоблари мусикаси	20
Ватан	23
Муротаали Куренкеев	26
Рус халқининг мусика маданияти	29
Калинка	32
Татар халқининг мусика маданияти	33
Уйғур халқининг мусика маданияти	34
Қорейс халқининг мусика маданияти	35
Шайыр қомузчу	37
◆ Қирғиз ва ўзбек профессионал мусикаси	38
Ўзбек халқ бастакорлари.....	38
«Баҳор кўшиғи»	39
Светофор	40
Хабибулло Раҳимов	41
Мукаш Абдраев	43
Кўшиғимиз авжида	45
Жумамудун Шералиев	46
Мен замандын эркеси	48
Муротбек Бегалиев	49
Что за дерево такое?	51
Янги йилнингиз муборак бўлсин!	52
Янги йил кўшиғи	53
Новый год	54
Кроссворд	55

◆ Марказий Осиё халқлари мусикаси	56
Козогистон	56
Кувнок болалар кўшиғи	58
Дўмбиранинг пайдо бўлиш ҳақида афсона	60
Тожикистон	62
Ёш аскарлар кўшиғи	64
Ўзбекистон	66
Онажоним	68
Хитой	69
Хитой мусикий асбоблари	70
Гуцинь ҳақида эртак	71
Мен гунчамаман	73
Туркменистон	74
Туркменистон мусикий асбоблари	76
Най ҳақида афсона	77
Наврўз келди	78
◆ Жаҳон халқлари мусикаси	79
Мумтоз Европа мусикаси	79
Польша	80
Гонза ва скрипка	81
Чолғу мусикаси	84
Пианино	86
Африка мусикаси	87
Чунга-Чанго	90
Лотин Америка мусикаси	91
Робертино Лоретти	92
Белла Чао!	93
Япон мусикаси	95
Вишня.....	97
Ҳинд мусикаси	98
Кроссворд	101
Кўшимча материаллар	102

Ў қ у в н а ш р и

**Шамбетова Кульнар Жетикошкановна,
Шакирова Альбина Муслиховна,
Касей Муратбек**

МУСИҚА

*Бошланғич таълим мактабларининг
3-синфи учун дарслик*

Кўлингиздаги ушбу дарслик Қирғизистондаги ўзбек мактаблари учун «Дарсликлар яратиш маркази»нинг етакчи мутахассиси Ёркиной Сулайманова томонидан мослаштирилди. Дарслик ҳақидаги фикр-мулоҳазаларингизни «Марказ» маъмуриятига ёзма равишда билдиришингизни илтимос қиламиз.

Бизнинг манзил: Ўш шаҳри, Г. Айтиев кўчаси, 25-уй.

Русчадан К. Саидрахимов таржимаси

Корректор: *С. Набиева*

Консультант *Ю. Юзбасия*

Мухаррир: *И. Скосырская*

Рассом: *Т. Жайчибеков*

Дизайнер: *Д. Тимур*

Техник муҳаррир: *В. Крутякова*

Босишга берилди 13.03.2014. Босишга рухсат этилди 28.04.2014-й.

Шакли 70x100 мм «Times» ҳарфи. Ҳажми 7,5 ф. б. т.

Нусхаси 5000. Буюртма № 6

«Билим-компьютер» нашриети.

Бишкек шаҳри, «Восток-5» маъияси 14/2

«Принт-Экспресс» нашриёт-полиграфия комплекси.

Бишкек шаҳри, Куренкеев кўчаси, 89-уй.

